Правительство Республики Узбекистан и Правительство Республики Болгария, именуемые в дальнейшем «Договаривающиеся Стороны», руководствуясь желанием углублять сотрудничество в области ветеринарно-медицинской деятельности в целях предотвращения распространения инфекционных болезней животных и взаимного предохранения территорий своих государств от эпизоотии,

приняли решение заключить настоящую Конвенцию и **договорились о нижеследующем:**

**Статья 1**

Договаривающиеся Стороны сотрудничают между собой для предохранения территорий их государств от эпизоотии при ввозе, вывозе и транзите живых животных, материалов животного воспроизводства, продуктов животного происхождения, кормов и предметов, которые могут быть переносчиками заразных агентов.

**Статья 2**

1. Договаривающиеся Стороны уведомляют друг друга о появлении болезней по списку «А» Международного эпизоотического бюро (МЭБ), указывая неблагополучные зоны, объекты, виды и число зараженных животных, формы и протекание болезней, предполагаемые пути переноса инфекций, тип возбудителя, а также принятые меры для ограничения и ликвидации заболевания.

2. Договаривающиеся Стороны информируют друг друга о появлении зооантропонозных болезней, о наличии у животных или в продуктах животного происхождения веществ биологического, химического характера, и механических примесей, являющихся опасными для здоровья человека и животных.

3. В случае необходимости Договаривающиеся Стороны оказывают друг другу взаимную помощь по диагностике заболеваний у животных, обмениваются бактериальными и вирусными штаммами, при соблюдении всех требований международных ветеринарно-санитарных правил.

**Статья 3**

Положения настоящей Конвенции применяются в отношении:

1) животных всех видов, (включая птиц, лабораторных, зоопарковых, домашних и диких животных, морских зверей, пчел, рыб и других гидробионтов, эмбрионов, зигот, яйцеклеток и семенной жидкости животных, яиц для инкубации и оплодотворенной икры);

2) продуктов животного происхождения — мясо и мясные продукты, молоко и молочные продукты, рыба, яйца, продукты пчеловодства;

---

\* Собрание законодательства РУз, 2004 г., № 6, ст. 75.

- 3) материалов животного происхождения — шкуры, шерсть, мех, пух, перья, эндокринные и кишечные материалы, кровь, кости и другие виды материалов;
- 4) кормов для животных;
- 5) ветеринарных препаратов, биологических материалов и предметов коллекционирования животного происхождения.

#### **Статья 4**

Договаривающиеся Стороны извещают друг друга об условиях и способах применения существующих в соответствующем государстве инструкций и программ для профилактики и борьбы против заразных и паразитных болезней у животных.

Договаривающиеся Стороны обмениваются информацией о ветеринарно-санитарных требованиях при ввозе, вывозе и транзите животных, продуктов и материалов животного происхождения, кормов для животных, ветеринарных препаратов, биологических материалов и предметов коллекционирования животного происхождения, а также информацией о мерах, принимаемых при возникновении незаразных болезней, вызванных токсическими продуктами, радиоактивными и другими веществами, которые могут привести к значительному экономическому ущербу.

#### **Статья 5**

Договаривающиеся Стороны:

- 1) обмениваются нормативными актами и другими специализированными публикациями, связанными с ветеринарно-медицинской деятельностью;
- 2) информируют друг друга о специализированных встречах и совещаниях в области ветеринарной медицины, при этом специалисты обеих Договаривающихся Сторон могут принять участие в них;
- 3) осуществляют сотрудничество в области ветеринарно-медицинской науки, образования и практической организации ветеринарной службы путем обмена специалистами, опытом и знаниями для развития и дальнейшего совершенствования ветеринарно-медицинской деятельности, а также для повышения профессиональной квалификации ветеринарных врачей.

#### **Статья 6**

1. Расходы по обмену документацией, указанной в статьях 4 и 5 настоящей Конвенции относятся за счет Договаривающейся Стороны, которая ее направляет.

2. Обмен специалистами осуществляется по взаимной договоренности между компетентными органами обеих Договаривающихся Сторон. В этих случаях транспортные расходы относятся за счет Договаривающейся Стороны, которая их направляет. Принимающаяся Договаривающаяся Сторона оплачивает суточные и расходы на проживание, как и расходы, связанные с поездками по стране, в соответствии с ранее согласованной программой.

#### **Статья 7**

При осуществлении сотрудничества в рамках настоящей Конвенции действительны ветеринарные сертификаты, выданные и согласованные Договаривающимися Сторонами на основе требований Международного зоосанитарного кодекса МЭБ, которые оформляются на русском и английском языках.

### **Статья 8**

В случае, если во время ветеринарного осмотра при пересечении границы будет установлено, что ввозимые товары или отдельное транспортное средство с живыми животными, продуктами и материалами животного происхождения, кормами не отвечают условиям ветеринарного сертификата в отношении требований санитарии и гигиены, или если транспортное средство, которое транспортирует товары не отвечает ветеринарным требованиям транспортировки, компетентные органы страны-импортера уведомляют компетентные органы страны-экспортера и принимают меры для защиты территории своего государства от распространения заразных и паразитных болезней у животных и антропоозоонозов у людей, в соответствии с национальным законодательством.

### **Статья 9**

В случае возникновения на территории государства одной из Договаривающихся Сторон болезней, указанных в списке «А» МЭБ, компетентные органы этой Договаривающейся Стороны должны незамедлительно известить компетентные органы другой Договаривающейся Стороны и прекратить вывоз указанных в статье 3 настоящей Конвенции грузов.

Установленный порядок такого вывоза возобновляется в соответствии с установленными международными правилами и процедурами.

### **Статья 10**

По согласованию между Договаривающимися Сторонами положения настоящей Конвенции могут применяться в отношении других известных и неизвестных болезней. В каждом случае оформляется дополнительный протокол, являющийся неотъемлемой частью настоящей Конвенции.

### **Статья 11**

Договаривающиеся Стороны будут проводить консультации и переговоры в рамках международных организаций, в целях проведения согласованной политики по вопросам, представляющим взаимный интерес.

### **Статья 12**

Настоящая Конвенция не затрагивает прав и обязательств Договаривающихся Сторон, вытекающих из других международных договоров, участниками которых они являются.

### **Статья 13**

Споры, возникающие в связи с толкованием или применением настоящей Конвенции, решаются путем консультаций и переговоров между Договаривающимися Сторонами.

### **Статья 14**

Настоящая Конвенция вступает в силу по истечению тридцати дней со дня получения по дипломатическим каналам последнего письменного уведомления о выполнении Договаривающимися Сторонами процедур, необходимых в соответствии с национальным законодательством для вступления ее в силу.

Настоящая Конвенция заключается сроком на пять лет. Ее действие автоматически продлевается на последующие пятилетние периоды, если ни одна из Договаривающихся Сторон не уведомит в письменной форме по дипломатическим каналам другую Договаривающуюся Сторону, не менее чем за шесть месяцев до истечения соответствующего периода, о своем намерении прекратить действие настоящей Конвенции.

Совершено в Софии 24 ноября 2003 года, в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, болгарском и русском языках, причем все тексты равно аутентичны. В случае возникновения противоречий в толковании положений настоящей Конвенции используется текст на русском языке.

*(подписи)*

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига Эрон Ислом  
Республикаси Ҳукумати томонидан тараққиётга  
кўмаклашиш тўғрисида  
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ**

*(2004 йил 18 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислом Республикаси ўртасида мавжуд дўстона муносабатларни, шунингдек ўзларининг икки томонлама иқтисодий ҳамкорлигини келгусида кенгайтиришга бўлган иккала томоннинг истагини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий тараққиётига кўмак кўрсатиш юзасидан иккала мамлакатнинг олий даражадаги органлари ўртасида музокаралар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги бир томондан, ва иккинчи томондан, Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий шахслари ўртасида ўтказилган музокаралардан сўнг, иккала томон

**қуйидагилар тўғрисида ахдлашиб олдилар:**

**1-модда**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг сўровига биноан, Эрон Ислом Республикаси икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига тараққиёт учун кўмаклашиш Дастурини кенгайтиришга розилик билдирди.

**2-модда**

Эрон Ислом Республикаси ушбу Битим моддалари доирасида икки ярим миллион АҚШ доллари миқдорида грант кўринишидаги қийматли ажратиб беришга розилик билдирди.

---

*Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами, 2004 й.*

### **3-модда**

Мазкур қиймат Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан устувор соҳа деб илгари сурилган лойиҳа ёки дастурларни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий харажатларни тўлиқ ёки қисман қоплашга ажратилади. Мазкур қиймат иккала томоннинг келишувига кўра лойиҳа ёки дастур билан боғлиқ бўлган Эрон Ислом Республикасидан товар, ускуна ва хизматларни сотиб олиш ёки импорт қилиш учун зарур бўлган молиявий харажатларини тўлиқ ёки қисман қоплашда фойдаланилиши мумкин. У, шунингдек Эроннинг молиявий муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган лойиҳа ёки дастурларга ажратилган кредит ҳамда заёмларнинг фоизли ставкадаги фарқларни қоплаш учун фойдаланилиши мумкин.

### **4-модда**

Иккала Томон ушбу Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланган, лозим тарзда расмийлаштирилган лойиҳа ёки дастурлар бўйича ахдлашувларга дипломатик нота-ларни алмашиш орқали эришадилар.

### **5-модда**

3-моддада кўрсатилган лойиҳа ёки дастурлар эрон хўжалик юритувчи корхона-ларидан бири томонидан амалга оширилиб, Битимда лойиҳа ёки дастурларнинг ижроси деб номланади.

### **6-модда**

Бундай лойиҳа ёки дастурлар учун зарур бўлган ускуна, товар ва хизматлар Эрон Ислом Республикасидан олиниши лозим. Бироқ, зарур ҳолларда маблағни тежаш ва лойиҳани тез амалга ошириш мақсадида бундай ускуна, товар ва хизматларнинг 30 фоизгача бошқа мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан олиниши мумкин. Бу фоиз қиймати лойиҳа ёки дастурларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислом Республикаси бу ҳақда қарор қабул қилган бўлсалар, ўзгариши ва оширилиши мумкин.

### **7-модда**

Эрон маслаҳатчиларидан бири томонидан амалга оширилган бундай лойиҳа ва дастурларнинг иқтисодий мувофиқлик таҳлили билан боғлиқ харажатлар ушбу грант ҳисобидан қопланиши мумкин.

### **8-модда**

Иқтисодий мувофиқлик таҳлили ёки лойиҳа ёхуд дастурларнинг эрон корхона-лари томонидан бажарилиши фақатгина чекланган тендер орқали амалга оширилади.

### **9-модда**

Ўзбекистон Республикаси Хукумати 2-моддада кўрсатилган тараққиётга кўмаклашишни қабул қилиш жараёнини кузатиш ва мониторингини олиб бориш ҳамда мунтазам равишда барча тегишли томонлар, шунингдек Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан алоқа ўрнатиш учун органни белгилайди.

**10-модда**

Грантнинг тўлови лойиҳа ёки дастурларни бажариш ва амалга оширилишини яқунлаш мажбуриятини оладиган Ўзбекистон Ҳукумати тайинлаган органнинг ёзма сўровига кўра бошланиши мумкин.

**11-модда**

9-моддада кўрсатилган органнинг сўровига кўра, Эрон Ислом Республикаси Ҳукумати грант қийматини лойиҳа ёки дастурларнинг ижросига лойиҳа маслаҳатчисининг ҳисоботи асосида тўла ёки қисман тўлайди.

**12-модда**

Ўзбекистон органи билан лойиҳа ижросиси ўртасида бахслар юзага келган ҳолда, жалб этилган томонлар зудлик билан Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини хабардор қиладилар. Бундай ҳолларда грант тўловининг давом эттирилиши икки томон ўртасида баҳс ҳал этилишига боғлиқ бўлади.

Ушбу Англашув Меморандуми икки Ҳукуматнинг қуйидаги расмий шахслари томонидан 2004 йил 18 майда (1383 йил 29/02) икки асл нусхада, ўзбек, форс ва инглиз тилларида имзоланди, бунда барча матнлар бир хилда, аутентикдир. Ушбу Англашув Меморандуми имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси билан Словения  
Республикаси ўртасида инвестицияларни ўзаро  
рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида  
БИТИМ**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил  
1 декабрдаги 535-сонли қарори билан тасдиқланган*

*(2004 йил 18 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси билан Словения Республикаси, бундан кейин «Аҳдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар,

икки Давлат ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш истагида, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида амалга оширадиган инвестицияларини рағбатлантириш ва қулай шароитлар яратиш мақсадида,

ушбу Битимга мувофиқ бундай инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тадбиркорлик ташаббусини кучайтиришга хизмат қилишини эътироф этиб,  
**қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:**

---

*Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами, 2004 й.*

## **1-модда Таърифлар**

Ушбу Битим мақсадларида:

1. «Инвестиция» атамаси бир Аҳдлашувчи Томон инвесторлари бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида унинг тегишли қонун ва қоидаларига мувофиқ инвестициялаган барча турдаги активларни англатади, хусусан қуйидагиларни, аммо нафақат уларни ўз ичига олади:

а) кўчар ва кўчмас мулк, шунингдек ипотека, чегириб қолиш ҳуқуқи, гаров каби ҳар қандай мулккий ҳуқуқлар;

б) акциялар, жамғармалар ва қарз мажбуриятлари ҳамда компанияларда иштирок этишнинг бошқа шакллари;

с) пул талабномалари ёки инвестициялар билан боғлиқ бўлган, иқтисодий қийматга эга бўлган контракт бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан талабномалар;

д) интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, хусусан муаллифлик ва ўзаро боғлиқ бўлган ҳуқуқлар, шунингдек компьютер дастурлари, патентлар, саноат андозалари, савдо маркалари, географик номлар, шу жумладан номларнинг манбалари, интеграл соҳалар топографияси, шунингдек ноу-хау тўғрисидаги очилмаган маълумотлар;

е) қонун, контрактга мувофиқ ёки ваколатли давлат органининг маъмурий қарори асосида бериладиган концессиялар, шу жумладан табиий ресурсларни тадқиқ қилиш, қазиш ёки улардан фойдаланиш концессиялари.

Активлар инвестицияланган ёки қайта инвестицияланган шаклдаги ҳеч қандай ўзгариш уларнинг инвестиция сифатидаги характериға таъсир кўрсатмайди, агар бундай ўзгариш инвестициялар амалга оширилган ҳудудидаги Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ва қоидаларига мувофиқ юз берган бўлса.

2. «Даромадлар» атамаси инвестициялар натижасида олинган қийматларни, аммо нафақат уларни, хусусан фойда, дивидендлар, фоизлар, роялти ёхуд даромаднинг инвестициялар билан боғлиқ бўлган бошқа турларини, шу жумладан техник ҳамкорлик учун бўлган мукофотларни англатади.

3. «Инвестор» атамаси:

а) исталган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ унинг фуқаролигига эга бўлган жисмоний шахсларни, ва

б) бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудида жойлашган манзилга ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган ёки ана шу Аҳдлашувчи Томоннинг қонунларига мувофиқ таъсис этилган юридик шахслар, шу жумладан корпорациялар, тижорат компаниялари ёхуд бошқа компаниялар ёки ассоциацияларни билдиради.

4. «Миллий ҳудуд» атамаси ҳар бир Аҳдлашувчи Томонга нисбатан унинг суверенитети остида бўлган ҳудудни, шу жумладан ички ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ ана шу Томон ўз суверенитети ёки юрисдикциясини амалга оширадиган ҳаво кенглиги ва денгиз ҳудудини англатади.

## **2-модда**

### **Инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш**

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторлари амалга оширадиган инвестицияларни имкон қадар рағбатлантиради ва қувватлайди ҳамда ўз қонун ва қоидаларига мувофиқ шундай инвестицияларни қабул қилади.



2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестициялари учун ҳар доим адолатли ва тенг ҳуқуқли режим яратади.

3. Исталган Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида амалга оширган инвестициялари тўла ҳимоя ва хавфсизлик билан таъминланади. Ҳеч қайси Аҳдлашувчи Томон ўз ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларига нисбатан уларнинг ўз инвестицияларини бошқариши, юритиши, сарфлаши, эгаллик қилиши ёки тасарруф этиши борасида ҳеч қандай тарзда асоссиз ёки камситувчи чораларни қўлламайди.

4. Агар, Аҳдлашувчи Томонлардан бири мазкур Битимга биноан ўз ҳудудида инвестицияларга рухсат берса, у ўзининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ шундай инвестициялар билан боғлиқ барча зарурий рухсатномаларни беради.

### **3-модда**

#### **Миллий режим ва энг қулай режим**

1. Бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида амалга оширган инвестицияларига ёки улар билан боғлиқ даромадларига бошқа Аҳдлашувчи Томон ўз инвесторларининг инвестициялари ёки исталган учинчи давлат инвесторларининг инвестицияларига ва даромадларига яратганидан кам бўлмаган адолатли ва тенг ҳуқуқли қулай режим яратилади.

2. Бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг ўз инвестицияларини бошқариш, қўллаб-қувватлаш, фойдаланиш, эгаллик қилиш ёки тасарруф этиш борасида бошқа Аҳдлашувчи Томон ўз инвесторлари ёки исталган учинчи давлат инвесторларига яратганидан кам бўлмаган адолатли ва тенг ҳуқуқли қулай режим яратади.

3. Ушбу модданинг қоидалари бир Аҳдлашувчи Томонни куйидагилар туфайли ҳар қандай режим, энгиллик ёки имтиёз афзалликларини бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг инвесторларига нисбатан татбиқ этишга мажбурловчи омил сифатида талқин қилинмаслиги лозим;

а) чегараолди савдосини энгиллаштириши мумкин бўлган, ана шу Аҳдлашувчи Томон қатнашчиси бўлган ёки қатнашчиси бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай мажбур ёхуд келгусида ташкил этиладиган эркин савдо зоналари, божхона иттифоқи, умумий бозор ёки шу сингари бошқа халқаро битимлар, шу жумладан минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро битимларнинг бошқа шакллари;

в) тўлалигича ёки қисман солиқ солиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай халқаро битим.

### **4-модда**

#### **Экспроприация**

1. Бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида амалга оширган инвестициялари экспроприация қилинмайди, давлат тасарруфига ўтказилмайди ёки уларга нисбатан экспроприация қилиш ёки давлат тасарруфига ўтказиш (бундан кейин «экспроприация» деб аталади) каби чоралар қўлланмайди, аммо камситмаслик асосида жамоатчилик мақсадларида кечиктирмасдан, айнан бир хил ва самарали бадал тўлаш йўли билан қонуний тарзда амалга ошириладиган чоралар бундан мустасно.

2. Мазкур модданинг 1-бандида кўзда тутилган бадал тўлаш, инвестицияларнинг бевосита тарзда экспроприациягача ёки экспроприация хусусида ҳаммага маълум қилинган вақтда, улардан қайси бири аввал юз берганлигига боғлиқ равишда белгиланган бозор қийматига тенг бўлиши лозим. Бадал тўлаш тез орада амалга оширилади ва оддий тижорат курси бўйича фоизларни ўз ичига қамраб олади ёки

экспроприация қилинган санадан бошлаб тўлов санасига қадар «LIBOR» ставкаси бўйича ҳисобланади. Бадал тўловлари эркин тарзда ўтказилади ва ҳудудида инвестициялар амалга оширилган Аҳдлашувчи Томоннинг валютани тартибга солиш қоидаларига мувофиқ самарали равишда тўланади.

3. Экспроприацияни амалга оширган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунига кўра, инвестициялари экспроприация қилинган инвестор, ушбу моддада қайд этилган принципларга мувофиқ ўз ишини тезда қайта кўриб чиқиши ва инвестицияларни баҳолаш хусусида шу Аҳдлашувчи Томоннинг суди ёки бошқа ваколатли органига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

#### **5-модда**

#### **Зарарлар қоплаш учун бадал тўлаш**

Бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудидаги уруш ёки қуролли тўқнашувнинг бошқа кўриниши, инқилоб, миллий қўзғолон, фавқулодда ҳолат ёхуд шу каби бошқа воқеалар оқибатида зарар кўрган инвестициялари учун ана шу Аҳдлашувчи Томони ўз инвесторлари ёки исталган учинчи давлат инвесторлари учун қабул қилинадиган чора-тадбирлар, шу жумладан бадал тўлаш, товон тўлови ва реституция борасида яратадиган режимдан кам бўлмаган қулай режимни яратади.

#### **6-модда**

#### **Пул ўтказиш**

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларига инвестициялар билан боғлиқ тўловларнинг ва хусусан қўйидагиларнинг, аммо нафақат уларнинг эркин равишда ўтказилишини кафолатлайди:

- а) дастлабки сармоялар қиймати ва инвестицияларни қувватлаш ёки кўпайтириш учун киритилган қўшимча улушлар;
- б) ушбу Битимнинг 1-модда 2-бандида қайд этилган даромадлар;
- с) инвестицияларга тааллуқли заёмларнинг пули тўланадиган қийматлар;
- д) инвестицияларни бутунлай ёки қисман сотиш ёки тугатишдан келадиган тушумлар;
- е) мазкур Битимнинг 4 ва 5-моддаларида кўзда тутилган ҳар қандай бадал тўловлар ёки бошқа тўловлар;
- г) инвестициялар муносабати билан хориждан жалб этилган фуқароларга тўланадиган иш ҳақи ва бошқа кўринишдаги мукофотлар.

2. Ушбу моддада қайд этилган пул ўтказишлар ҳудудида инвестициялар амалга оширилган Аҳдлашувчи Томоннинг валютани тартибга солиш қоидаларига мувофиқ, пул ўтказилаётган санада қўлланилаётган алмаштириш курси бўйича эркин муомаладаги валютада, чекланмаган ҳолда ёки асоссиз кечиктиришсиз амалга оширилади.

#### **7-модда**

#### **Суброгация**

Агар Аҳдлашувчи Томонлардан бири ёки унинг ваколатли органи инвесторга бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудидаги инвестициялар хусусида берилган кафолатга мувофиқ тўловларни амалга оширадиган бўлса, бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторнинг барча ҳуқуқлари ва талаблари биринчи Аҳдлашувчи Томонга ёхуд унинг ваколатли органига ўтишини эътироф этади. Суброгацияланган ҳуқуқлар ёки та-

лаблар инвесторнинг дастлабки ҳуқуқлари ва талабларидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

### **8-модда**

#### **Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш**

1. Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги мазкур Битимни талқин қилиш ёки қўллашга тааллуқли низолар имкониятга кўра дипломатик каналлар орқали музокаралар йўли билан ҳал этилади.

2. Агар Аҳдлашувчи Томонлар олти ой мобайнида низони ҳал эта олмасалар, ушбу модда қоидаларига мувофиқ исталган Аҳдлашувчи Томоннинг талабига кўра низо Арбитраж судига кўриб чиқиш учун топширилади.

3. Бундай Арбитраж суди ҳар бир алоҳида ҳолат учун қуйидаги тарзда ташкил этилади. Низони арбитражга топшириш хусусида илтимоснома олинган кундан бошлаб икки ой мобайнида ҳар бир Аҳдлашувчи Томон биттадан суд аъзосини тайинлайди. Бу икки арбитр Аҳдлашувчи Томонлар маъқуллаган учинчи давлат фуқаросини Суд Раиси этиб тайинлайди. Раис бошқа иккита суд аъзоси тайинланган санадан кейинги уч (3) ой мобайнида тайинланади.

4. Агар зарурий тайинловлар ушбу модданинг 3-бандида қайд этилган давр мобайнида амалга оширилмаса, ўзгача келишувлар мавжуд бўлмаган ҳолда, исталган Аҳдлашувчи Томон зарурий тайинловларни амалга ошириш учун Халқаро Суд Президентини таклиф этиши мумкин. Башарти, Президент Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг фуқароси бўлса ёки, агар бошқа сабабларга кўра бундай вазифани бажара олмаса, зарурий тайинловларни амалга ошириш учун Вице-Президент таклиф этилади. Агар Вице-Президент ҳам Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг фуқароси бўлса ёки бошқа сабабларга кўра мазкур вазифани бажара олмаса, зарурий тайинловларни амалга ошириш учун Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг фуқароси бўлмаган, лавозими кейинги ўринда турган Халқаро Суднинг аъзоси таклиф этилади.

5. Арбитраж судининг Раиси ҳар икки Аҳдлашувчи Томон ҳам дипломатик муносабатда бўлган учинчи Давлатнинг фуқароси ҳисобланади.

6. Арбитраж суди ўз қарорларини кўпчилик овоз билан қабул қилади. Суд қарорлари ҳар икки Аҳдлашувчи Томон учун ҳам тугал ва мажбурий ҳисобланади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўзининг суд аъзоси ва ўз вакилларининг суд жараёнидаги иштироки учун сарфланадиган харажатларни тўлайди. Арбитраж судининг Раиси учун сарфланадиган ва бошқа чиқимларни Аҳдлашувчи Томонлар тенг тарзда қоплайдилар. Арбитраж суди харажатлар хусусида ўзгача тарзда қарор қабул қилиши ҳам мумкин. Бошқа ҳолатларда Арбитраж суди ўз тартиб-қоидаларини мустақил тарзда белгилайди.

### **9-модда**

#### **Аҳдлашувчи Томон ва бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг инвестори ўртасидаги низоларни ҳал этиш**

1. Бир Аҳдлашувчи Томон ва бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг инвестори ўртасида инвесторнинг шу Аҳдлашувчи Томон ҳудудидаги инвестицияларига тааллуқли бўлган низолар дўстона тарзда музокаралар йўли билан ҳал этилади.

2. Агар бундай низо музокаралар йўли билан ҳал этиш тўғрисида ариза берилган вақтдан бошлаб олти (6) ой мобайнида ҳал этилмаса, манфаатдор инвестор уни кўриб чиқиш учун:

а) ҳудудида инвестициялар амалга оширилган Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли судига;

б) БМТ Халқаро Савдо ҳуқуқи бўйича Комиссиясининг Арбитраж қоидалари (UNCITRAL)га мувофиқ таъсис этиладиган «ad hoc» Арбитраж Судига, агар низолашувчи томонлар ўзгача тарзда келишмаган бўлсалар;

с) Вашингтонда 1965 йил 18 мартда имзоланган учун очилган Давлатлар ва бошқа давлатларнинг фуқаролари ўртасидаги инвестицион низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида Конвенцияга мувофиқ таъсис этилган Инвестицион низоларни ҳал этиш ёки арбитраж йўли билан ҳал этувчи Халқаро марказ (ICSID)га топшириши мумкин.

3. Ушбу билан ҳар бир Аҳдлашувчи Томон инвестицион низоли халқаро яраштириш жараёнига ёки арбитраж судига кўриб чиқиш учун топширишга рози эканлигини билдиради.

4. Ҳеч қайси Аҳдлашувчи Томон барча процедуралар тугаллангунга қадар ва жараёнда ютқазган Аҳдлашувчи Томон Инвестицион низоларни ҳал этувчи Халқаро марказ томонидан қабул қилинган қарорни тан олгунга ёки рад этгунга қадар дипломатик каналлар орқали арбитражга тааллуқли бирор-бир масала юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказмаслиги лозим.

5. Қарор иккала Аҳдлашувчи Томон учун ҳам тугал ва мажбурий ҳисобланади.

#### **10-модда**

##### **Бошқа қоидаларни қўллаш**

1. Агар исталган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунидаги қоидалар ёки халқаро ҳуқуққа мувофиқ ҳозирда мавжуд бўлган ёхуд кейинчалик Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида ушбу Битимга қўшимча равишда таъсис этилган мажбуриятлар, бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестициялари учун ушбу Битимда кўзда тутилгандан кўра қулайроқ режим яратиш хусусидаги умумий ёки махсус қоидаларни ўз ичига олса, бундай қоидалар ўзининг янада қулай бўлган ҳажмида ушбу Битимга нисбатан устун кучга эга ҳисобланади.

#### **11-модда**

##### **Битимни қўллаш**

Ушбу Битим бир Аҳдлашувчи Томон инвесторлари бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида унинг қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ушбу Битим кучга кирган санагача ва ундан сўнг амалга оширган барча инвестицияларига нисбатан татбиқ этилади.

#### **12-модда**

##### **Маслаҳатлашувлар**

Аҳдлашувчи Томонларнинг вакиллари, зарурий ҳолларда, ушбу Битимнинг ба-жарилишига таъсир кўрсатувчи ҳар қандай масала юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказадилар. Бундай маслаҳатлашувлар исталган Аҳдлашувчи Томоннинг таклифи-га кўра, дипломатик каналлар орқали келишилган жойда ва вақтда ўтказилади.

#### **13-модда**

##### **Битимнинг кучга кириши ва амал қилишининг тўхтатилиши**

1. Ушбу Битим Аҳдлашувчи Томонлар тегишли ички ҳуқуқий процедуралар бажарилганлиги тўғрисида бир-бирларига ёзма равишда сўнгги хабарнома юборган кундан бошлаб кучга киради.

2. Ушбу Битим ўн (10) йил давомида амал қилади ва исталган Аҳдлашувчи Томон қайд этилган муддат тугашидан ўн икки (12) ой илгари ушбу Битимни амал

қилишини тўхтатиш хусусидаги ўз мақсадини бошқа Аҳдлашувчи Томонни ёзма равишда хабардор қилгунга қадар Битимнинг амалда қўлланиш муддати ўз-ўзидан навбатдаги беш йиллик муддатларга узайтириб борилади.

3. Ушбу Битимнинг амал қилиш муддати мобайнида амалга оширилган инвестицияларга нисбатан 1—12-моддаларнинг қоидалари ушбу Битим амал қилиниши тўхтатилган санадан бошлаб кейинги ўн (10) йиллик давр мобайнида ўз кучини сақлаб қолади.

Ушбунини тасдиқлаган ҳолда, тегишли тарзда ваколатли этиб тайинланган куйида имзо чекувчи вакиллар ушбу Битимни имзоладилар.

Тошкент шаҳрида, 2003 йил 7 октябрда, икки нусхада, ўзбек, словен ва инглиз тилларида тузилган, бунда барча матнлар бир хил кучга эгадир. Талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда инглиз тилидаги матн устувор кучга эга.

(имзолар)

## **Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Польша Республикаси Ҳукумати ўртасида маданият, фан ва таълим соҳаларида 2004—2006 йиллар учун ИЖРОИЯ ДАСТУРИ**

*(2004 йил 25 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Польша Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар;

икки мамлакат ўртасида ўзаро ишончга асосланган суверен, шерикчилик алоқаларини ривожлантириш истагида,

маданият, фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик иккала мамлакат жамиятларининг яқинлашиши ва ҳамкор-мамлакатнинг анъана ҳамда ҳозирги замон ҳаёти мавзусидаги билимларини ёйишга қўмаклашишига ишонч билдириб,

тинчликни сақлаш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ошкоралик, бағрикенглик ҳамда маданиятлараро мулоқот принципларига таяниб,

1995 йил 11 январда Варшавада имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Польша Республикаси Ҳукумати ўртасида маданий ва илмий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни амалга ошириш мақсадида,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

### **I. Фан ва таълим**

#### **1-модда**

Томонлар қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор берган ҳолда ҳамкорлик қилдилар:

---

*Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами, 2004 й.*

- 1) таълим тизимлари, уларни ривожлантириш режалари ва ислохот йўналишлари тўғрисида ахборот алмашиш;
- 2) Томонларнинг манфаатлари асосида ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш;
- 3) барча даражалардаги таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш;
- 4) конференциялар, симпозиумлар, шунингдек, ёшлар учун олимпиада ва танловларни ташкил қилишни қўллаб-қувватлаш.

#### **2-модда**

Томонлар икки мамлакат фанлар академиялари, олий ўқув юртлари ҳамда бошқа манфаатдор илмий-тадқиқот ташкилотлари ўртасида қуйидаги соҳаларда тўғридан-тўғри ҳамкорлик ўрнатиш бўйича алоқаларни қўллаб-қувватлайдилар:

- 1) қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- 2) машғулотлар ўтказиш, шунингдек, конгресслар, илмий семинарлар, конференция ва симпозиумларда қатнашиш учун профессор-ўқитувчи ва илмий ходимлар ҳамда мутахассислар билан алмашув;
- 3) ахборот ва илмий нашрлар алмашуви.

Манфаатдор муассасалар ҳамкорлик соҳаларини ва молиявий шартларни бир-галикда белгилайдилар.

#### **3-модда**

Польша томони Ўзбекистон томонига ҳар йили қуйидагиларни ажратади:

- 1) турли ихтисосликлар бўйича олий ўқув юртларида ва аспирантурада таълим олиш учун тўрттагача жой;
- 2) 1 ойдан 9 ойгача давом этадиган илмий-тадқиқот стажировкаларига жами 10 ой.

#### **4-модда**

Ўзбекистон томони Польша томонига ҳар йили 1 ойдан 9 ойгача давом этадиган илмий-тадқиқот стажировкаларига жами 18 ой ажратади.

#### **5-модда**

Польша томони Ўзбекистон томонининг таклифига биноан, Ўзбекистон Республикаси мактабларига ўқитувчилик иши учун поляк тили ўқитувчиларини, шунингдек, олий ўқув юртларига профессор-ўқитувчилар таркибини юборади.

Ўзбекистон томони, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шу жумладан, келиб чиқиши поляк бўлган фуқаролар учун поляк тилини ва поляк тилида ўқитишни ташкил қилишда кўмаклашади.

#### **6-модда**

Ўзбекистон томони Польша томонининг таклифига биноан, Польша Республикаси мактабларига ўзбек тили ўқитувчиларини, шунингдек, олий ўқув юртларига профессор-ўқитувчилар таркибини юборади.

Польша томони ўзбек тилини ўқитишни ташкил қилишда кўмаклашади.

## II. Маданият ва санъат

### 7-модда

Томонлар тижорат ва нотижорат шартлари асосида кинофильмлар алмашувига қулайликлар яратадилар.

### 8-модда

Томонлар ҳамкор-мамлакат кинематографиясининг ўз мамлакатларида ташкиллаштириладиган халқаро фестиваллар ва кинофильмлар кўрикларида, ушбу тадбирларнинг иш тартибига асосланган ҳолда, иштирокини қўллаб-қувватлайдилар.

### 9-модда

Томонлар Ўзбекистон ва Польша муассасалари ва ташкилотлари ўртасида кинематография соҳасида бевосита ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар.

### 10-модда

Томонлар ҳамкор-мамлакатда концертлар ва ижодий сафарлар уюштиришга интиладилар.

### 11-модда

Томонлар ҳамкор-мамлакатда ташкиллаштириладиган бадий фестивалларда ўз ансамбллари ҳамда ижрочиларининг иштирокини қўллаб-қувватлайдилар.

### 12-модда

Томонлар ҳамкор-мамлакатда анъанавий ёки замонавий санъат кўрғазмаларини уюштиришга интиладилар, уларни ўтказиш шартлари иккала мамлакатнинг манфаатдор муассасалари ўртасида келишилади.

### 13-модда

Томонлар Ўзбекистон ва Польша манфаатдор муассасалари ўртасида археология, музей иши, маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва муҳофаза қилиш соҳаларида бевосита ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар. Ҳамкорлик шартлари икки мамлакат манфаатдор муассасалари ўртасида келишилади.

### 14-модда

Томонлар тегишли мамлакатда амалда бўлган ҳуқуқий қоидаларга мувофиқ, шунингдек, иккала Томонлар тарафидан имзоланган тегишли халқаро шартномаларга мувофиқ, уларнинг маданий мероси бўлмиш маданий бойликларни яширинча олиб кириш, олиб чиқиш ҳамда беришнинг олдини олишга интиладилар.

### 15-модда

Томонлар икки мамлакат миллий кутубхоналари ўртасида мутахассислар, шунингдек ахборот ва микрофильмлар алмашуви соҳасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар. Томонлар китобларни тарғиб этиш, шунингдек кутубхона ва нашриёт фаолиятида қўшма таълим лойиҳаларини амалга оширишга интиладилар.

#### **16-модда**

Томонлар давлат архивлари бош бошқармалари ўртасидаги бевосита келишувлар асосида, архив иши соҳасида, хусусан илмий, ижтимоий ва ҳуқуқий мақсадларда архивлардан фойдаланиш, тажриба, нашрлар ва ҳужжатлар нусхалари алмашуви бўйича ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар.

#### **17-модда**

Томонлар ўз мамлакатларида ўтказиладиган халқаро симпозиумлар, кўرғазмалар, фестиваллар ва танловлар ҳақида бир-бирларига маълум қиладилар ҳамда мазкур тадбирларда нашр қилинадиган материаллар билан алмашадилар.

### **III. Ахборот**

#### **18-модда**

Томонлар икки мамлакатдаги тегишли муассасалар ўртасида ахборот алмашувини қўллаб-қувватлайдилар. Томонлар икки мамлакатнинг тарихи, жуғрофияси ва маданияти билан танишишга имкон берувчи нашрлар ва ўқув қўлланмалари алмашувини қўллаб-қувватлайдилар.

#### **19-модда**

Томонлар радиоэшиттириш ва телевидение соҳасида тўғридан-тўғри ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар.

### **IV. Ёшлар ва спорт**

#### **20-модда**

Томонлар икки мамлакат ёшлари ўртасида алоқаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлайдилар.

#### **21-модда**

Томонлар икки мамлакат спорт федерациялари, жамиятлари ва клублари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни қўллаб-қувватлайдилар.

Спорт ташкилотлари ҳамкорлиги қуйидагиларни қамраб олади:

- 1) миллий спорт турларини оммалаштириш;
- 2) тажриба, илмий ва методик материаллар алмашуви;
- 3) жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассислар малакасини оширувчи семинар ва курсларни ташкил қилиш;
- 4) оммавий спорт, допингга қарши кураш ҳамда спорт тадбирларида хавфсизликни таъминлаш соҳаларида экспертлар алмашуви.

Манфаатдор ташкилотлар алмашув принциплари ва унинг молиявий шартларини биргаликда белгилайдилар.



## V. Шахслар алмашувига оид шартлар

### 22-модда

Шахслар алмашуви, ушбу Дастурга мувофиқ, аспирантурада ўқиш, олий ўқув юртларида ўқиш, илмий-тадқиқот стажировкалари, ўқитувчилар ва профессор-ўқитувчилар таркибини хизмат сафарларига жўнатиш, ҳамда қисқа муддатли ташрифлар доирасида амалга оширилади.

### 23-модда

Дастурнинг 3 ва 4-моддалари асосида алмашувда иштирок этадиган шахсларни қабул қилувчи Томон қуйидагилар билан таъминлайди:

1) давлат олий ўқув юртлари ва аспирантурада ўқитиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотларида стипендия тўловларсиз бепул ўқитиш;

2) ётоқхоналардаги пуллик жойлар;

3) жорий йилнинг 1 июнига қадар номзодлар ва ихтисосликлар бўйича жавоб маълумоти.

юбуровчи Томон қуйидагилар билан таъминлайди:

1) ўқиш ёки стажировка жойига бориб-келиш учун транспорт харажатларини қоплаш;

2) тўсатдан касалликка чалиниш ҳолати ва бахтсиз ҳодисалар учун суғурта (полис), тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи эса қабул қилувчи мамлакат қонун-қоидаларига боғлиқ бўлади;

3) жорий йилнинг 31 мартига қадар номзодлар сони ва уларнинг ихтисосликлари бўйича маълумот.

### 24-модда

Дастурнинг 5-моддаси асосида, Ўзбекистон Республикаси мактаблари ва олий ўқув юртларига юбориладиган ўқитувчилар ва профессор-ўқитувчилар таркибини Ўзбекистон томони қуйидагилар билан таъминлайди:

1) ойлик иш ҳақи (шунингдек таътил вақтида ҳам);

2) тўсатдан касалликка чалиниш ва бахтсиз ҳодисалар рўй берганда зарур тиббий ёрдам;

3) бепул турар жой;

4) мамлакатга кириш, туриш ва ишга жойлашиш (бепул: йиллик кўп маротаба-ли виза, ишга рухсатнома ва рўйхатга қўйиш) билан боғлиқ зарур расмийликларни бажаришда ёрдам кўрсатиш.

Польша томони ўқитувчилар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг турар жойларидан иш жойларига бориб-келиш транспорт харажатларини қоплайди. Юборилаётган шахсларнинг ҳужжатлари дипломатик каналлар орқали етказилади.

### 25-модда

Дастурнинг 6-моддаси асосида, Польша Республикаси мактаблари ва олий ўқув юртларига юбориладиган ўқитувчилар ва профессор-ўқитувчилар таркибини Польша томони қуйидагилар билан таъминлайди:

1) ойлик иш ҳақи (шунингдек таътил вақтида ҳам);

2) тўсатдан касалликка чалиниш ва бахтсиз ҳодисалар рўй берганда зарур тиббий ёрдам;

3) бепул турар жой;

4) мамлакатга кириш, туриш ва ишга жойлашиш (бепул: йиллик кўп маротабали виза, ишга рухсатнома ва рўйхатга қўйиш) билан боғлиқ керакли расмиятчиликларни бажаришда ёрдам кўрсатиш.

Ўзбекистон томони ўқитувчилар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг турар жойларидан иш жойларига бориб-келиш транспорт харажатларини қоплайди. Юборилаётган шахсларнинг ҳужжатлари дипломатик каналлар орқали етказилади.

#### **26-модда**

Мазкур Дастурнинг кучга киришидан аввал олий ўқув юртлари, аспирантурага ва стажировкага киришган шахслар аввал белгиланган шартлар асосида ўқишни унинг тугашига қадар давом эттирадилар.

### **VI. Умумий ва яқуний қоидалар**

#### **27-модда**

Дастур таълим, фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликнинг бошқа турларининг амалга оширилиши имкониятларини уларни дипломатик каналлар орқали келишиш шarti билан инкор қилмайди.

#### **28-модда**

Ушбу Дастурни қўллаш ва талқин қилиш билан боғлиқ низо ва келишмовчиликлар юзага келса, Томонлар уларни дипломатик каналлар орқали маслаҳатлашувлар ва музокаралар йўли билан ҳал этадилар.

#### **29-модда**

Дастур имзоланган кундан кучга киради ва 2006 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

Дастур янги Дастурнинг кучга киришига қадар, бироқ 2007 йил 31 декабргача ўз кучида қолади.

Тошкент шаҳрида 2004 йил 25 майда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, поляк ва рус тилларида имзоланди, бунда барча матнлар бир хил асл ҳисобланади. Талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келса, рус тилидаги матн ҳал қилувчи ҳисобланади.

(имзолар)

**ИСПОЛНИТЕЛЬНАЯ ПРОГРАММА  
между Правительством Республики Узбекистан и Прави-  
тельством Республики Польша в области культуры, науки и  
образования на 2004—2006 годы**

*(Вступает в силу 25 мая 2004 года)*

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Республики Польша, именуемые далее Сторонами,

желая развивать суверенные, партнерские, основанные на взаимном доверии отношения между обеими странами,

будучи убеждены, что сотрудничество в области культуры, науки и образования будет способствовать сближению обществ обеих стран и распространению знаний на тему традиций и современной жизни страны-партнера,

руководствуясь принципами сохранения мира, уважения человеческих прав, открытости, толерантности и диалога культур,

в целях реализации Договора между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Польша о культурном и научном сотрудничестве, подписанного в Варшаве 11 января 1995 года,

**согласились о нижеследующем:**

**I. Наука и образование**

**Статья 1**

Стороны будут сотрудничать, обращая особое внимание на следующие вопросы:

- 1) обмен информацией о системах образования, планах их развития и направлениях реформирования;
- 2) подготовка кадров по специальностям, являющимся предметом интереса Сторон;
- 3) поддержка взаимного сотрудничества между образовательными учреждениями всех уровней;
- 4) поддержка организации конференций, симпозиумов, а также олимпиад и конкурсов для молодежи.

**Статья 2**

Стороны будут поддерживать контакты по налаживанию прямого сотрудничества между академиями наук, высшими учебными заведениями и другими заинтересованными научно-исследовательскими организациями обеих стран в области:

- 1) ведения совместных научных исследований;
- 2) обмена профессорско-преподавательскими и научными работниками и специалистами для проведения занятий, а также участия в конгрессах, научных семинарах, конференциях и симпозиумах;
- 3) обмена информацией и научными публикациями. Заинтересованные учреждения будут совместно устанавливать области сотрудничества и финансовые условия.

### **Статья 3**

Польская сторона предоставит в год Узбекской стороне:

- 1) до четырех мест для обучения в высших учебных заведениях и в аспирантуре по разным специальностям;
- 2) в общей сложности десять месяцев на научно-исследовательские стажировки с продолжительностью от 1 до 9 месяцев.

### **Статья 4**

Узбекская сторона предоставит в год Польской стороне в общей сложности восемнадцать месяцев на научно-исследовательские стажировки с продолжительностью от 1 до 9 месяцев.

### **Статья 5**

Польская сторона, по приглашению Узбекской стороны, направит учителей польского языка на преподавательскую работу в школы, а также профессорско-преподавательский состав в высшие учебные заведения Республики Узбекистан.

Узбекская сторона окажет содействие в организации обучения польского языка и на польском языке для граждан Республики Узбекистан, в том числе граждан польского происхождения.

### **Статья 6**

Узбекская сторона, по приглашению Польской стороны, направит учителей узбекского языка на преподавательскую работу в школы, а также профессорско-преподавательский состав в высшие учебные заведения Республики Польша.

Польская сторона окажет содействие в организации обучения узбекского языка.

## **II. Культура и искусство**

### **Статья 7**

Стороны будут благоприятствовать обмену кинофильмами на коммерческих и некоммерческих условиях.

### **Статья 8**

Стороны будут поддерживать участие кинематографии страны-партнера в международных фестивалях и смотрах кинофильмов, организуемых в своих странах, в соответствии с регламентами этих мероприятий.

### **Статья 9**

Стороны будут поддерживать прямое сотрудничество в области кинематографии между узбекскими и польскими учреждениями и организациями.

### **Статья 10**

Стороны будут стремиться организовывать концерты и художественные гастроли в стране партнера.

#### **Статья 11**

Стороны будут поддерживать участие своих ансамблей и солистов в художественных фестивалях, организуемых в стране партнера.

#### **Статья 12**

Стороны будут стремиться организовывать в стране партнера выставки традиционного или современного искусства, условия проведения которых будут согласовываться между заинтересованными учреждениями обеих стран.

#### **Статья 13**

Стороны будут поддерживать прямое сотрудничество в области археологии, музейного дела, реставрации и охраны памятников культуры между заинтересованными узбекскими и польскими учреждениями. Условия сотрудничества будут согласованы между заинтересованными учреждениями обеих стран.

#### **Статья 14**

Стороны будут стремиться, в соответствии с правовыми положениями, действующими в данной стране, а также в соответствии с подписанными обеими Сторонами соответствующими международными договорами, предотвращать нелегальный ввоз, вывоз и передачу культурных ценностей, являющихся их культурным наследием.

#### **Статья 15**

Стороны будут поддерживать сотрудничество национальных библиотек обеих стран в области обмена экспертами, а также информацией и микрофильмами. Стороны будут стремиться реализовать совместные образовательные проекты в области популяризации книг, а также библиотечной и издательской деятельности.

#### **Статья 16**

Стороны будут поддерживать сотрудничество в области архивного дела, в частности, в отношении доступа к архивам в научных, общественных и правовых целях, обмена опытом, публикациями и копиями документов, на основании прямых соглашений между главными управлениями государственных архивов.

#### **Статья 17**

Стороны будут извещать друг друга о проводимых в своих странах международных симпозиумах, выставках, фестивалях и конкурсах и обмениваться материалами, издаваемыми на этих мероприятиях.

### **III. Информация**

#### **Статья 18**

Стороны будут поддерживать обмен информацией между соответствующими учреждениями в обеих странах. Стороны будут поддерживать обмен публикациями и учебными пособиями, позволяющими познакомиться с историей, географией и культурой обеих стран.

### **Статья 19**

Стороны будут поддерживать прямое сотрудничество в области радиовещания и телевидения.

## **IV. Молодежь и спорт**

### **Статья 20**

Стороны будут поддерживать развитие контактов молодежи обеих стран.

### **Статья 21**

Стороны будут поддерживать прямые контакты между спортивными федерациями, обществами и клубами обеих стран. Сотрудничество спортивных организаций будет охватывать:

- 1) популяризацию национальных видов спорта;
- 2) обмен опытом, научными и методическими материалами;
- 3) организацию семинаров и курсов, повышающих квалификацию специалистов в области физической культуры и спорта;
- 4) обмен экспертами в области массового спорта, борьбы с допингом и обеспечения безопасности на спортивных мероприятиях.

Заинтересованные организации будут совместно устанавливать принципы обмена и его финансовые условия.

## **V. Условия обмена лиц**

### **Статья 22**

Обмен лиц, согласно настоящей Программе, будет происходить в рамках: обучения в аспирантуре, учебы в высших учебных заведениях, научно-исследовательских стажировок, командирования учителей и профессорско-преподавательского состава, а также краткосрочных визитов.

### **Статья 23**

Лицам, участвующим в обмене на основании статей 3 и 4 Программы, принимающая Страна обеспечит:

- 1) бесплатное обучение в государственных высших учебных заведениях и организациях, имеющих право на обучение в аспирантуре, без выплаты стипендий;

2) оплачиваемые места в общежитиях;

- 3) ответной информацией по кандидатам и специальностям до 1 июня текущего года.

направляющая Страна обеспечит:

- 1) покрытие транспортных расходов до места обучения или стажировки и обратно,

2) страхование (полис) на случай внезапного заболевания и несчастный случай, разве что право на медицинскую помощь следует из положений закона принимающей страны;

3) информацию о количестве кандидатов и их специальностях до 31 марта текущего года.

#### **Статья 24**

Учителям и профессорско-преподавательскому составу, направляемым на основании статьи 5 Программы на работу в школы и высшие учебные заведения Республики Узбекистан, Узбекская сторона обеспечит:

- 1) ежемесячную заработную плату (также во время отпуска);
- 2) необходимую медицинскую помощь при внезапном заболевании и несчастных случаях;
- 3) бесплатное жилье;
- 4) помощь в исполнении необходимых формальностей, связанных с въездом, пребыванием и трудоустройством (бесплатные: годичная многократная виза, разрешение на работу и прописка).

Польская сторона покрывает транспортные расходы учителей и профессорско-преподавательского состава от места их проживания до места работы и обратно. Документы направляемых лиц будут переданы по дипломатическим каналам.

#### **Статья 25**

Учителям и профессорско-преподавательскому составу, направляемым на основании статьи 6 Программы на работу в школы и высшие учебные заведения Республики Польша, Польская сторона обеспечит:

- 1) ежемесячную заработную плату (также во время отпуска);
- 2) необходимую медицинскую помощь при внезапном заболевании и несчастных случаях;
- 3) бесплатное жилье;
- 4) помощь в исполнении необходимых формальностей, связанных с въездом, пребыванием и трудоустройством (бесплатные: годичная многократная виза, разрешение на работу и прописка).

Узбекская сторона покрывает транспортные расходы учителей и профессорско-преподавательского состава от места их проживания до места работы и обратно. Документы направляемых лиц будут переданы по дипломатическим каналам.

#### **Статья 26**

Лица, приступившие к учебе в высших учебных заведениях, аспирантуре и к стажировкам до вступления в силу настоящей Программы, будут продолжать учебу до времени ее окончания на ранее установленных условиях.

### **VI. Общие и заключительные положения**

#### **Статья 27**

Программа не исключает возможности реализации других форм сотрудничества в области образования, науки и культуры, при условии их согласования по дипломатическим каналам.

#### **Статья 28**

В случае возникновения споров и разногласий по применению и толкованию

настоящей Программы Стороны разрешают их путем консультаций и переговоров по дипломатическим каналам.

### **Статья 29**

Программа вступит в силу со дня подписания и будет действовать до 31 декабря 2006 года.

Программа останется в силе до вступления в силу новой Программы, однако не дольше, чем до 31 декабря 2007 года.

Подписано в городе Ташкенте 25 мая 2004 года, в двух экземплярах, каждый на узбекском, польском и русском языках, причем все тексты являются одинаково подлинными. В случае расхождений при их толковании, русский текст будет считаться решающим.

*(подписи)*

## **Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Италия Республикаси Ҳукумати ўртасида иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳамда даромад ва сармоя солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш тўғрисида КОНВЕНЦИЯ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил  
15 декабрдаги 179–II-сонли\* қарори билан ратификация қилинган*

*(2004 йил 26 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Италия Республикаси Ҳукумати, иккала мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳамда даромад ва сармоя солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш тўғрисида Конвенция тузиш истагини билдириб,

**қўйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:**

### **I боб. Конвенциянинг қўллаш доираси**

#### **1-модда**

#### **Шахсларга нисбатан қўллаш**

Ушбу Конвенция Аҳдлашувчи Давлатларнинг бири ёки ҳар иккисининг резиденти бўлган шахсларга нисбатан қўлланади.

---

\* ЎзР. Қонун ҳужжатлари тўплами 2000 йил, 11-сон, 170-модда.



**2-модда**

**Татбиқ этиладиган солиқлар**

1. Ушбу Конвенция Аҳдлашувчи Давлатлар номидан ёки уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари номидан олинаётган даромад ва сармоя солиқларига нисбатан, уларни ундириш услубидан қатъи назар, татбиқ этилади.

2. Даромад ва сармоя солиқларига умумий даромаддан, умумий сармоядан ёки даромад ёки сармоянинг бир қисмидан олинadиган барча солиқлар, шу жумладан, кўчар ва кўчмас мулкни бегоналаштиришдан олинган даромадлардан, ҳамда корхоналар томонидан тўланадиган иш ҳақи ёки маошнинг умумий миқдоридан олинadиган солиқлар, шунингдек, сармоя қийматининг ошишидан ундириладиган солиқлар қиради.

3. Ушбу Конвенция қўлланадиган амалдаги солиқлар, жумладан қуйидагилардир:

(а) Ўзбекистон Республикасига нисбатан:

1-юридик шахсларнинг фойдасидан (даромадидан) олинadиган солиқ;

2-жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқ; ва

3-мол-мулк солиғи;

улар манбадан ундириш йўли билан ёки бошқача йўл билан олинishiдан қатъи назар,

(бундан кейин «Ўзбекистон солиқлари» деб аталади);

(б) Италия Республикасига нисбатан:

1-жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи;

2-даромаддан олинadиган корпоратив солиқ;

улар манбадан ундириш йўли билан ёки бошқача йўл билан олинishiдан қатъи назар,

(бундан кейин «Италия солиқлари» деб аталади).

4. Ушбу Конвенция имзоланган санадан сўнг мавжуд солиқларга қўшимча ёки улар ўрнига киритилган ҳар қандай ўхшаш ёки моҳияти жиҳатидан бир хил солиқларга нисбатан ҳам қўлланади. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли идоралари ўзларининг тегишли солиқ қонунларида бўлган ҳар қандай муҳим ўзгаришлар ҳақида бир-бирларига хабар берадилар.

**II боб. Таърифлар**

**3-модда**

**Умумий таърифлар**

1. Ушбу Конвенцияда, агар матн мазмунидан бошқача маъно чиқмаса:

(а) «Ўзбекистон» атамаси Ўзбекистон Республикасини билдиради ва географик маънода ишлатилганда унинг ҳудудини, ҳудудий сувларини ва осмон кенгликларини ўз ичига олади, ана шу ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, ўзининг суверен ҳуқуқларини ва юрисдикциясини, шу жумладан ер ости бойликларидан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширади;

(б) «Италия» атамаси Италия Республикасини англатади ва Италия қонунлари ҳамда халқаро ҳуқуққа биноан Италия ҳудудий сувларидан ташқаридаги табиий ресурслар, денгиз туби, ер ости ва ер усти сувларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқишга бўлган суверен ҳуқуқларини амалга оширадиган ҳар қандай зонани ўз ичига олади;

(c) «Аҳдлашувчи Давлат» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлат» атамалари матнга боғлиқ равишда Ўзбекистонни ёки Италияни билдиради;

(d) «шахс» атамаси жисмоний шахсни, компанияни ва шахсларнинг ҳар қандай бошқа бирлашмасини англатади;

(e) «компания» атамаси солиққа тортиш мақсадида корпоратив бирлашма сифатида қараладиган ҳар қандай корпоратив бирлашмани ёки ҳар қандай ташкилотни англатади;

(f) «Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг корхонаси» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси» атамалари тегишлича Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бошқарувида ишлаб турган корхонани ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бошқарувида ишлаб турган корхонани англатади;

(g) «халқаро ташиш» атамаси Аҳдлашувчи Давлат корхонаси томонидан фойдаланиладиган денгиз ёки ҳаво кемасида ҳар қандай ташишни англатади, қачонки, денгиз ёки ҳаво кемасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган пунктлар ўртасида фойдаланилиши ҳоллари бундан мустасно;

(h) «фуқаролар» атамаси:

(i) Аҳдлашувчи Давлат фуқаролигига эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахсни;

(ii) Аҳдлашувчи Давлатнинг амалдаги қонунларига мувофиқ ўз мақомини олган барча юридик шахсларни, шериклик ва ассоциацияларни англатади;

(i) «ваколатли идора» атамаси:

(i) Ўзбекистонга нисбатан — Давлат солиқ қўмитасини,

(ii) Италияга нисбатан — Молия вазирлигини англатади.

2. Ушбу Конвенцияни Аҳдлашувчи Давлат қўллаганида, агар матндан бошқа маъно келиб чиқмаса, унда белгиланмаган ҳар қандай атама, агар матн мазмундан ўзгача маъно келиб чиқмаса, ушбу Конвенция татбиқ этиладиган солиқларга нисбатан мазкур Давлат қонунларида қўлланган маънони англатади.

#### **4-модда** **Резидент**

1. Ушбу Конвенция мақсадлари учун «Аҳдлашувчи Давлат резиденти» атамаси шу Давлат қонунлари бўйича ўзининг яшаш жойи, доимий бўлиб туриш жойи, бошқарув жойи ёки шунга ўхшаш ҳар қандай бошқа мезонлар асосида солиққа тортиладиган ҳар қандай шахсни англатади. Бироқ бу атама ушбу Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган манбалардан ёки сармоядан даромад олаётгани учунгина ушбу Давлатда солиққа тортиладиган ҳар қандай шахсни ўз ичига олмайди.

2. Агар 1-банд қоидаларига мувофиқ жисмоний шахс ҳар икки Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, унинг мақоми қуйидаги тарзда белгиланади:

(a) у тўсиқсиз яшаши мумкин бўлган доимий яшаш жойи жойлашган Давлатнинггина резиденти ҳисобланади. Агар у ҳар икки Давлатда тўсиқсиз яшаши мумкин бўлган доимий яшаш жойига эга бўлса, шахсий ва иқтисодий алоқалари қалинроқ бўлган (ҳаётий манфаатлар маркази) Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

(b) агар унинг ҳаётий манфаатлари маркази жойлашган Давлатни аниқлаб бўлмаса ёки у Аҳдлашувчи Давлатларнинг ҳеч бирида тўсиқсиз яшаши мумкин бўлган доимий яшаш жойига эга бўлмаса, у одатда яшаб турган Давлатининг резиденти ҳисобланади;

(c) агар у одатда ҳар икки Аҳдлашувчи Давлатда яшаса ёки уларнинг ҳеч бирида яшамаса, у Аҳдлашувчи Давлатлардан қай бирининг фуқароси бўлса, шу Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

d) агар у ҳар иккала Аҳдлашувчи Давлатнинг фуқароси бўлса ёки уларнинг ҳеч бирининг фуқароси бўлмаса, Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли идоралари бу масалани ўзаро келишувга мувофиқ ҳал қиладилар.

3. Агар 1-банд қоидаларига мувофиқ, жисмоний шахс бўлмаган шахс Аҳдлашувчи Давлатлардан ҳар иккисининг резиденти бўлса, ўзининг амалдаги бошқарув идораси жойлашган Давлатнинг резиденти ҳисобланиши керак.

### **5-модда** **Доимий муассаса**

1. Ушбу Конвенция мақсади учун «доимий муассаса» атамаси корхона тўлиқ ёки қисман тадбиркорлик фаолиятини олиб борадиган доимий фаолият жойини билдиради.

2. «Доимий муассаса» атамаси, хусусан, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- (a) бошқарув жойи;
- (b) бўлим;
- (c) офис;
- (d) фабрика;
- (e) устахона;
- (f) кон, карьер ёки табиий ресурсларни қазиб олишга тааллуқли ҳар қандай бошқа жой;
- (g) 12 ойдан ортиқ вақт мобайнида мавжуд бўлган қурилиш майдончаси, монтаж ёки йиғиш объекти.

3. «Доимий муассаса» атамаси қуйидагиларни ўз ичига олмайди, деб ҳисобланади:

- (a) иншоотлардан корхонага тегишли товар ёки буюмларни сақлаш, намойиш қилиш ёки етказиб бериш мақсадидагина фойдаланиш;
- (b) корхонага тегишли товар ёки буюмлар захирасини сақлаш, намойиш қилиш ёки етказиб бериш мақсадидагина ушлаб турилиши;
- (c) шу корхонага тегишли товар ёки буюмлар захирасининг бошқа корхона қайта ишлаши мақсадидагина ушлаб турилиши;
- (d) доимий фаолият жойининг фақат товар ёки буюмлар сотиб олиш ёки корхона учун ахборот йиғиш мақсадида ушлаб турилиши;
- (e) доимий фаолият жойининг ушбу корхона учун фақат реклама мақсадида, ахборотни етказиб бериш, илмий тадқиқот учун ёки бошқа ҳар қандай тайёргарлик ёки ёрдамчи тусдаги фаолиятни амалга ошириш мақсадида ушлаб турилиши;

4. Агар 5-бандда кўрсатилганлар татбиқ этилиши мумкин бўлган мустақил мақомли агентдан бошқа бўлган шахс Аҳдлашувчи Давлатларнинг бирида бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси номидан иш юритса ва корхона номидан шартномалар тузиш ваколатига эга бўлса ва одатда шу ваколатдан фойдаланса, агар фақат унинг фаолияти корхона учун товар ёки буюмларни харид қилиш билангина чекланиб қолмаса, у биринчи эслатилган Давлатда доимий муассаса деб ҳисобланади.

5. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг корхонаси, агар бошқа Давлатда брокер, комисионер ёки ҳар қандай бошқа мустақил мақомли агент орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса, бу шахслар ўзларининг одатдаги фаолияти доирасида иш юритган тақдирда, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага эга деб қаралмайди.

6. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган компанияни назорат қилса ёки шу ком-

пания томонидан назорат қилинса ёки ана шу бошқа Давлатда тижорат фаолиятини (доимий муассаса орқали ёки бошқа тарзда) амалга ошираётган бўлса, бу ҳол ўз-ўзидан бу компанияларнинг бирини бошқаси учун доимий муассасага айлантириб қўймайди.

### **III боб. Даромаднинг солиққа тортилиши**

#### **6-модда**

#### **Кўчмас мулкдан олинadиган даромадлар**

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бири резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкдан оладиган даромади (жумладан, қишлоқ ва ўрмон хўжалигидан олинadиган даромадлар) ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. «Кўчмас мулк» атамаси кўриб чиқиладиган мулк жойлашган Аҳдлашувчи Давлат солиқ қонунларида белгиланган маънога эгадир. Ҳар қандай ҳолда ҳам ушбу атама ер устидаги мулкчиликка тааллуқли умумий қонунларнинг қоидалари билан ҳуқуқи белгилаб берилган кўчмас мулкка тегишли бўлган мулкни, чорва моллари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги воситаларини ўз ичига олади. Кўчмас мулкнинг узфрукти ва минераллар, манбалар ва бошқа табиий ресурсларнинг қатламларини қазитиш учун товон сифатида тўланadиган ўзгарувчан ёки қайд этилган тўловлар ҳуқуқи, ёки минераллар, манбалар ва бошқа табиий ресурслар қатламларини қазитиш ҳуқуқи ҳам кўчмас мулк сифатида қаралади. Кема, қайиқ ва ҳаво кемаларига кўчмас мулк сифатида қаралмайди.

3. 1-банд қоидалари кўчмас мулкдан тўғридан-тўғри фойдаланиш, ижарага бериш ёки бошқа ҳар қандай шаклда фойдаланишдан олинadиган даромадга нисбатан қўлланади.

4. 1- ва 3-бандлар қоидалари корхонанинг кўчмас мулкдан олган даромадларига ва мустақил шахсий хизматларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган кўчмас мулкдан олинadиган даромадларга ҳам қўлланади.

#### **7-модда**

#### **Тадбиркорлик фаолиятдан олинadиган фойда**

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бири корхонасининг фойдаси фақат шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади, агар корхона ўз тадбиркорлик фаолиятини бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий муассаса орқали амалга ошираётган бўлмаса. Корхона, ўз фаолиятини юқорида айtilган тарзда амалга ошираётган бўлса, корхонанинг фойдаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда, аммо фақат қуйидагиларга тааллуқли бўлган қисмигина солиққа тортилиши мумкин:

(а) ана шу доимий муассасага; ёки

(б) ана шу бошқа Давлатда доимий муассаса орқали сотиладиган худди шу турдаги ёки ана шу каби товар ёки буюмларнинг сотилишига тегишли қисми бўйича.

2. 3-банд қоидаларига мувофиқ, Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг корхонаси тадбиркорлик фаолиятини бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали амалга ошираётган бўлса, унда ҳар бир Аҳдлашувчи Давлатда ушбу доимий муассасага ҳисобланadиган фойда, агар у алоҳида ва мустақил корхона бўлиб, худди шундай ёки шунга ўхшаш фаолиятни амалга ошириб, худди шундай ёки шунга

ўхшаш шартлар асосида ва доимий муассаса ҳисобланиб, корхонадан мутлақо мустақил равишда иш юритган ҳолда олиши мумкин бўлган фойда каби ҳисобланади.

3. Доимий муассаса фойдасини аниқлашда ушбу доимий муассаса фаолияти мақсади учун сарфланган харажатларни чегиришга йўл қўйилади, доимий муассаса жойлашган Давлатда ҳамда ҳар қандай ўзга ерда фаолияти мақсади учун сарфланган бошқарув ва умумий маъмурий харажатлар ҳам шунга киради.

Бироқ доимий муассаса томонидан корхонанинг бош офисига ёки унинг бошқа офисларидан исталган бирига роялти, гонорарлар ёки бошқа шундай тўловлар сифатида патентлардан ёки бошқа ҳуқуқлардан фойдаланганлик учун тўланган тўловлар ёки кўрсатилган аниқ хизматлар ёхуд менежментлик учун комиссия тўловлар тўлаш тарзида, ёки ушбу доимий муассасага берилган қарз пулига фоизларни тўлаш тарзида тўланган пул миқдорини, банк корхонасига тегишли бўлган ҳоллардан ташқари, агар улар умуман бор бўлса (ҳақиқий харажатларни қоплашдан ташқари), ҳеч қандай чегириб ташлашга йўл қўйилмайди.

4. Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага тегишли бўладиган фойдани корхона фойдасининг умумий миқдорини унинг турли бўлинмаларига мутаносиб тақсимлаш асосида белгилаш одатдаги ҳол бўлишига қарамасдан, 2-банддаги ҳеч қандай ҳолат ушбу Аҳдлашувчи Давлатга солиққа тортиладиган фойдани амалиёт тақозо қиладигани каби ана шундай тақсимот воситасида белгилашига тўсқинлик қилмайди. Бироқ танланган тақсимот усули шундай бўлиши керакки, натижа ушбу моддада мавжуд бўлган тамойилларга мувофиқ бўлиши лозим.

5. Корхона учун доимий муассаса томонидан товарлар ёки буюмлар харид қилиниши асосида доимий муассасага бирон-бир фойда ҳисобланмайди.

6. Аввалги бандлар мақсадлари учун доимий муассасага мансуб фойда, агар бошқаси учун асосли ва етарли сабаблар бўлмаса, ҳар йили бир хил методда аниқланади.

7. Агар фойда, ушбу Конвенциянинг бошқа моддаларида алоҳида айтиб ўтилдиган даромад турларини ҳам қамраб олса, уларнинг қоидаларига ушбу модда қоидалари дахл қилмайди.

## **8-модда**

### **Денгиз ва ҳаво транспорти**

1. Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг халқаро ташишларда кемалар ва самолётлардан фойдаланишдан оладиган фойдаси фақат ушбу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

2. Кема қатнови корхонасининг амалдаги бошқарув идораси кема бортида жойлашган бўлса, унда тегишлича, бундай идора кеманинг ҳисобда турган порти жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда, деб ҳисобланади, агар бундай ҳисобда турадиган порт бўлмаса, кеманинг фойдаланувчиси резиденти бўлган Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган деб ҳисобланади.

3. 1-банд қоидалари транспорт воситаларидан фойдаланиш бўйича пул(даромад ва харажатлари умумий бўлган жамғарма)да, қўшма фаолиятда ёки халқаро транспорт ташкилотида иштирок этишдан олинган фойдаларга нисбатан ҳам қўлла-нади.

## **9-модда**

### **Бирлашган корхоналар**

1. Агар:

а) бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхо-

насини бошқаришда, назорат қилишда ёки унинг сармоясида бевосита ёки билвосита қатнашса,

ёки

б) ўша шахслар Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг ҳам корхонасини бошқаришда, назорат қилишда ёки унинг сармоясида бевосита ёхуд билвосита қатнашса ва ҳар қандай ҳолда ҳам корхоналар ўртасида уларнинг тижорий ва молиявий муносабатларидан мутлақо мустақил бўлган корхоналар ўртасида бўладигандан ўзгача шароитлар вужудга келтирилса ёки ўрнатилса, унда бундай муносабатлар натижасида бир корхонада тўпланган фойда ана шундай муносабатлар сабабли бундай ҳажмда бўлмаса ҳам, ушбу корхона фойдасига қўшилиши ва тегишли даражада солиққа тортилиши мумкин.

2. Аҳдлашувчи Давлат шу Давлат корхонаси фойдасига бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси бўйича ана шу бошқа Давлатда солиққа тортиладиган фойдани, шунингдек солиқларни киритганида, шу тариқа киритилган фойда биринчи эслатилган Давлат корхонасига ҳисобланадиган фойда, агар иккала корхона ўртасида вужудга келтирилган муносабатлар мустақил корхоналар ўртасидаги муносабатлар каби бўлганда, у ҳолда ана шу бошқа Давлат шу Давлатга тегишли фойдадан олинadиган солиқ миқдорига зарур тузатишлар киритади. Ҳар қандай бундай тузатиш ушбу Конвенциянинг 26-моддасида ва Баённоманинг 7- ва 8-бандларида назарда тутилган ўзаро келишув тартиб-қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

#### **10-модда** **Дивидендлар**

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўлган компания томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўланган дивидендлар ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ бундай дивидендлар уларни тўлаётган компания қайси Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, ана шу Давлатнинг қонунларига биноан ҳам солиққа тортилиши мумкин, аммо агар олувчи дивидендларнинг ҳақиқий эгаси бўлса, унда шу тарзда олинadиган солиқнинг миқдори дивидендлар ялпи миқдорининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли идоралари бундай чеклашларни қўллаш усулини белгилаши лозим.

Бу банд дивидендлар тўланадиган фойдага нисбатан компаниянинг солиққа тортилишига тааллуқли эмас.

3. «Дивидендлар» атамаси ушбу моддада қўлланганида акциялардан, акциялардан «фойдаланиш»дан ёки ҳуқуқлардан «фойдаланиш»дан, тоғ-кон саноати акцияларидан, муассислар акцияларидан ёки қарз талабномалари бўлмаган, фойдада қатнашишга ҳуқуқ берадиган бошқа ҳуқуқлардан олинadиган даромадни, шунингдек бошқа корпоратив ҳуқуқлардан олинadиган, фойдани тақсимловчи компания резиденти ҳисобланган Давлатнинг солиқ қонунларига мувофиқ акциялардан олинган даромад каби солиқлар орқали тартибга солиниши лозим бўлган даромадни ҳам англатади.

4. Агар дивидендларнинг ҳақиқий эгаси Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўлгани ҳолда ана шу дивидендларни тўлаётган компания резиденти ўз фаолиятини бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий муассаса орқали амалга оширса, ёки ушбу бошқа Давлатда мустақил шахсий хизматларни у ерда жойлашган доимий базадан кўрсатса ва дивидендлар тўланадиган холдинг аслида шу доимий муассаса ёки доимий база билан боғлиқ бўлса, ушбу модданинг 1- ва 2-бандла-

ри қоидалари қўлланмайди. Бундай ҳолда, дивидендлар ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда унинг ўз қонунларига мувофиқ солиққа тортилади.

5. Агар Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашувчи Давлатдан фойда ёки даромад олаётган бўлса, ана шу бошқа Давлат компания тўлаётган дивидендларга ҳеч қандай солиқ солиши мумкин эмас. Дивидендлар ана шу бошқа Давлат резидентига тўланадиган ёки холдинг (дивидендлар унга нисбатан тўланади) шу бошқа Давлатда жойлашган доимий муассаса ёки доимий база билан ҳақиқатда боғлиқ бўлган ҳоллар эса бундан мустасно, шунингдек компаниянинг тақсимланмаган фойдаси ҳатто, тўланаётган дивидендлар ёки тақсимланмаган фойда ана шу бошқа Давлатда тўла ёки қисман ҳосил бўлган фойда ёки даромаддан ташкил топган бўлса ҳам компаниянинг тақсимланмаган фойдасидан тақсимланмаган фойда солиғи олинмайди.

### **11-модда** **Фоизлар**

1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг бирида ҳосил бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган фоизлар ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Аммо бундай фоизлар улар ҳосил бўладиган Аҳдлашувчи Давлатда шу Давлатнинг қонунларига биноан ҳам солиққа тортилиши мумкин, бироқ, агар олувчи фоизларнинг амалдаги эгаси бўлса, шундай тарзда олинадиган солиқ, фоизлар ялпи миқдорининг 5 фоиздан ошмаслиги керак. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли идоралари ўзаро келишувга биноан бундай чеклашни қўллаш усулини белгилайдилар.

3. 2-банддан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда вужудга келган фоизлар қуйидаги ҳолларда ушбу Давлатда солиқдан озод қилинади, агар:

(а) тўловчи Аҳдлашувчи Давлат ҳукумати ёки шу Давлатнинг маҳаллий ҳокимият органлари бўлса; ёки

(б) фоизлар бошқа Аҳдлашувчи Давлат ҳукуматига ёки шу Давлатнинг маҳаллий ҳокимият органларига ёки ҳар қандай муассасалари (шу жумладан, молиявий муассасалари)га тўланадиган бўлса, ва ушбу Аҳдлашувчи Давлатнинг ўзи ёки шу Давлатнинг маҳаллий ҳокимиятлари тўлалигича уларга эгалик қилса; ёки

(с) фоизлар Аҳдлашувчи Давлат ҳукуматлари ўртасида тузилган битимга биноан қўлланадиган ссудаларга нисбатан ҳар қандай бошқа муассасалар (шу жумладан, молиявий муассасалар)га тўланадиган бўлса.

4. «Фоизлар» атамаси ушбу моддада қўлланганида ипотека таъминотидан қатъи назар ва ҳар қандай турдаги фойдалар ва қарз талабномаларида қатнашиш ҳуқуқидан қатъи назар, ҳукуматнинг қимматли қоғозлари, облигациялар ёки қарз мажбуриятларидан олинадиган даромадни, шунингдек ушбу даромад вужудга келган Давлатнинг солиқ қонунлари бўйича ссуда қилинган пул миқдорларидан олинган даромадга тенглаштириладиган барча бошқа даромадларни ҳам англатади.

5. Агар фоизларнинг ҳақиқий эгаси Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўла туриб, у ерда жойлашган доимий муассаса орқали фоизлар ҳосил бўлаётган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда тижорат фаолияти олиб бораётган бўлса, ёки ушбу бошқа Давлатда жойлашган доимий база орқали мустақил шахсий хизматлар кўрсатаётган бўлса ва фоизлар тўланаётган қарз талабномалари шундай доимий муассаса ёки доимий база билан ҳақиқатан ҳам боғлиқ бўлса, 1-, 2- ва 3-банд қоидалари қўлланмайди. Бундай ҳолда фоизлар ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда унинг қонунларига мувофиқ солиққа тортилади.

6. Фоизларни тўловчи Давлатнинг ўзи, унинг маҳаллий ҳокимият органлари ёки резиденти бўлса, фоизлар ушбу Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган деб ҳисобланади. Лекин фоизларни тўловчи шахс Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага ёки доимий базага эга бўлиб, шу туфайли фоизлар тўлаш мажбурияти вужудга келган бўлса ва фоизлар доимий муассаса ёки доимий база томонидан тўланаётган бўлса, бундай ҳолда фоизлар доимий муассаса ёки доимий база жойлашган ўша Давлатда вужудга келган, деб ҳисобланади.

7. Агар тўловчи ва фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўртасидаги ёки улар иккаласи ва қандайдир бошқа шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқиба-тида қарз талабномасига нисбатан тўланаётган фоизлар миқдори тўловчи ва амалда фоизлар ҳуқуқига эга шахс ўртасида келишилиши мумкин бўлган миқдордан ошиқ бўлса, бундай муносабатлар йўқ бўлган тақдирда, ушбу модда қоидалари фақат охириги эслатилган фоизлар миқдорига нисбатан қўлланади. Бундай ҳолда, фоизлар миқдорининг ортиқча қисмидан ушбу Конвенциянинг бошқа қоидалари инobatга олинган ҳолда, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат қонунларига мувофиқ аввалгидек солиққа тортилади.

## **12-модда** **Роялти**

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирида ҳосил бўладиган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган роялтилар ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ бундай роялтилар улар вужудга келадиган Аҳдлашувчи Давлатда унинг қонунларига мувофиқ ҳам солиққа тортилиши мумкин, бироқ агар бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти роялтининг амалдаги эгаси бўлса, унда бу тарика ундириладиган солиқ роялтилар ялпи миқдорининг 5 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли идоралари ўзаро келишувга мувофиқ, бундай чеклашни қўллаш усулини аниқлашлари керак.

3. «Роялти» атамаси ушбу моддада қўлланганда ҳар қандай адабий, бадий ва илмий асарларни, шу жумладан радио ва телевидение учун фойдаланиладиган кинофильмлар, фильм ёки касеталар, ҳар қандай патент, товар белгиси, чизма ёки модель, режа, махфий формула ёки жараён учун муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланганлик ёки шу ҳуқуқдан фойдаланиш ҳуқуқи учун ёхуд саноат, тижорат, илмий асбоб-ускуналардан фойдаланиш ҳуқуқидан фойдаланганлик ёки фойдаланиш ҳуқуқи учун ёки саноат, тижорат ва илмий тажрибага мансуб ахборот учун мукофот тарзида олинадиган ҳар қандай кўринишдаги тўловларни билдиради.

4. Агар роялтилар бенефициари Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўлиб, роялти ҳосил бўлаётган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали тижорат фаолиятини юритаётган бўлса ёки ушбу бошқа Давлатда у ерда жойлашган доимий база орқали мустақил шахсий хизматлар кўрсатаётган бўлса ва роялти тўланаётган ҳуқуқ ёки мулк амалда шундай доимий муассаса ёки доимий база билан боғлиқ бўлса, 1- ва 2-бандларнинг қоидалари қўлланмайди. Бундай ҳолда роялти ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда унинг ўз қонунларига мувофиқ солиққа тортилади.

5. Агар тўловчи Давлатнинг ўзи, маҳаллий ҳокимият органи ёки резиденти бўлса, роялти шу Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган, деб ҳисобланади. Бироқ, агар роялтини тўловчи шахс Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда роялтини тўлаш мажбурияти зиммасига



тушган доимий муассасага ёки доимий базага эга бўлса ва бу доимий муассаса ёки база тўлов харажатларини тўласа, бундай роялтилар доимий муассаса ёки доимий база жойлашган шу Давлатда ҳосил бўлган деб ҳисобланади.

6. Агар тўловчи билан амалда роялти ҳуқуқига эга шахс ўртасидаги ёки уларнинг иккаласи ва бошқа бирон-бир шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқиба-тида роялтидан фойдаланишга, фойдаланиш ҳуқуқига ёки ахборот учун тўланадиган роялтининг миқдори тўловчи ва амалда шу даромадлар ҳуқуқига эга бўлган шахс ўртасида келишилиши мумкин бўлган миқдордан ошиқ бўлса, бундай муносабатлар йўқ бўлган тақдирда, ушбу модда қоидалари фақат охири эслатилган миқдорга нисбатан қўлланади. Бундай ҳолда тўловнинг ортиқча қисми ушбу Конвенциянинг бошқа қоидалари инобатга олинган ҳолда, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат қонунлари-га мувофиқ аввалгидек солиққа тортилади.

### **13-модда**

#### **Сармоя қийматининг ўсишидан олинадиган даромадлар**

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бири резиденти томонидан 6-модданинг 2-банди-да белгиланган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкни бегона-лаштиришдан олинадиган даромадлар ўша бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассаса тижорат мулкнинг бир қисмини ташкил этувчи кўчар мулкни бегоналаштиришдан олинган ёки Аҳдлашувчи Давлатлардан бири резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда мустақил шахсий хизматларни амалга оширишида бемалол фойдаланиши мумкин бўлган доимий базага тааллуқли кўчар мулкни бегоналаштиришдан олинган даромадлари, бунга шу доимий муассасани (алоҳида ёки корхона билан биргаликда) ёки шундай доимий базани бегоналаштиришдан олинган даромадни ҳам қўшиб, ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг халқаро ташишларда шу корхона томонидан фойдаланиладиган кемалар ёки самолётларни бегоналаштиришдан ёки шундай кемалар, самолётлардан фойдаланишга тааллуқли кўчар мулкни бегоналаштиришдан оладиган даромадлари фақат шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

4. Ҳар қандай мулкни бегоналаштиришдан олинадиган даромад, 1-, 2- ва 3-бандларда эслатилганлардан ташқари, бегоналаштирувчи шахс резиденти ҳисобланган Аҳдлашувчи Давлатдагина солиққа тортилади.

### **14-модда**

#### **Мустақил шахсий хизматлар**

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг касбий хизматлари ёки мустақил тусдаги бошқа фаолияти учун оладиган даромади фақат ушбу Давлатда солиққа тортилади, қачонки, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда унинг ихтиёрида ўз фаолиятини амалга ошириш мақсади учун мунтазам фойдаланиши мумкин бўлган доимий база мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно. Агар у шундай доимий базага эга бўлса, унда даромаднинг фақат ушбу доимий базага тегишли қисми бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. «Касбий хизматлар» атамаси, жумладан, мустақил илмий, адабий, санъаткорлик, маърифий ёки ўқитувчилик фаолиятларини, шунингдек шифокорлар, юрист-

лар, муҳандислар, меъморлар, стоматологлар ва бухгалтерларнинг мустақил фаолиятини қамраб олади.

### **15-модда** **Ёлланма шахсий хизматлар**

1. 16-, 18-, 19- ва 20-моддалар қоидаларини ҳисобга олиб, Аҳдлашувчи Давлатлардан бири резидентининг ёлланма иш учун оладиган маоши, иш ҳақи ва шунга ўхшаш бошқа тақдирлаш ҳақлари, агар шу ёлланма иш бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилмаётган бўлса, фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади. Агар ёлланма иш шу тариха бажариладиган бўлса, унда шу муносабат билан олинган тақдирлаш ҳақлари ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. 1-банд қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Давлатлардан бири резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширадиган ёлланма иш учун оладиган тақдирлаш ҳақлари фақат биринчи эслатилган Давлатда солиққа тортилади, бунда:

(а) тақдирлаш ҳақи олувчи бошқа Аҳдлашувчи Давлатда кўриб чиқиладиган молиявий йилда бошланадиган ёки тугайдиган ҳар қандай 12 ойлик давр доирасида жами 183 кундан ошмайдиган давр ёки даврлар мобайнида турган бўлса; ва

(б) тақдирлаш ҳақи бошқа Давлат резиденти бўлмаган ёлловчи томонидан ёки ёлловчи номидан тўланадиган бўлса; ҳамда

(с) тақдирлаш ҳақи бўйича харажатларни ёлловчининг бошқа Давлатда эга бўлган доимий муассасаси ёки доимий базаси ўз зиммасига олмаса.

3. Ушбу модданинг юқоридаги қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Давлат корхонаси халқаро юк ташишларда фойдаланадиган денгиз ёки ҳаво кемаси бортида амалга ошириладиган ёлланма иш учун олинадиган тақдирлаш ҳақлари шу денгиз ёки ҳаво кемасидан фойдаланадиган корхона резиденти бўлган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

### **16-модда** **Директорларнинг гонорарлари**

Аҳдлашувчи Давлатлардан бири резиденти томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компаниянинг Директорлар Кенгаши аъзоси сифатида олинadиган Директорларнинг гонорарлари ва шунга ўхшаш бошқа тўловлар, ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

### **17-модда** **Санъат ходимлари ва спортчилар**

1. 14- ва 15-моддаларнинг қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Давлатлардан бири резидентининг театр, кино, радио ёки телевидение артисти ёки мусиқачи каби санъат ходими сифатида ёки спортчи сифатида бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга ошираётган шахсий фаолияти туфайли оладиган даромади шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Санъат ходими ёки спортчи амалга оширган шахсий фаолиятдан олинadиган даромад санъат ходими ёки спортчининг ўзига эмас, балки бошқа шахсга ҳисобланса, 7-, 14- ва 15-моддалар қоидаларига қарамай, ушбу даромад санъат ходими ёки спортчи фаолият кўрсатаётган ўша Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Аҳдлашувчи Давлатга бўлган ташриф тўлалигича Аҳдлашувчи Давлатлар-

нинг бири ёки ҳар иккаласининг жамоат жамғармалари ёки уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари томонидан маблағ билан таъминланса, 1- ва 2-банд қоидалари санъат ходими ёки спортчилар томонидан ушбу Давлатда амалга ошириладиган фаолиятдан олинadиган даромадга тааллуқли бўлмайди.

### **18-модда** **Нафақалар**

19-модда 2-банди қоидаларига мувофиқ, бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти ҳисобланган жисмоний шахсларнинг ёллаш бўйича аввалги ишлари учун товон сифатида бир Аҳдлашувчи Давлат манбаидан оладиган ва ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда тегишли равишда солиққа тортиладиган барча нафақа ва тақдирлаш ҳақлари биринчи эслатиб ўтилган Аҳдлашувчи Давлатда солиқдан озод этилади.

### **19-модда** **Ҳукумат хизмати**

1. (a) Бир Аҳдлашувчи Давлат ёки унинг маҳаллий ҳокимият органлари шу Давлатга ёки унинг маҳаллий ҳокимият органларига кўрсатган хизматларига нисбатан ҳар қандай жисмоний шахсга тўлайдиган тақдирлаш ҳақлари, нафақадан ташқари, фақат шу Давлатда солиққа тортилади;

(b) Бирок, агар хизматлар ана шу Давлатда амалга оширилса ва жисмоний шахс шу Давлатнинг резиденти бўлса, бундай тақдирлаш ҳақлари фақат ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин ва

(i) шу Давлатнинг фуқароси бўлса; ёки

(ii) шундай хизмат кўрсатиш учунгина шу Давлатнинг резиденти бўлган бўлмаса.

2. (a) Аҳдлашувчи Давлат ёки маҳаллий ҳокимият органи ёхуд улар томонидан тузилган жамғармалар томонидан шу Давлатга ёки унинг маҳаллий ҳокимият органи учун кўрсатаётган хизматига нисбатан жисмоний шахсга тўлайдиган ҳар қандай нафақа фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади.

b) Бирок, агар жисмоний шахс бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ва фуқароси бўлса, бундай нафақа фақат ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилади.

3. 15-, 16- ва 18-моддаларнинг қоидалари Аҳдлашувчи Давлат ёки унинг маҳаллий ҳокимият органлари амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти муносабати билан кўрсатиладиган хизматларга нисбатан тўланадиган тақдирлаш ҳақларига ва нафақаларга нисбатан қўлланади.

### **20-модда** **Профессорлар ва ўқитувчилар**

Аҳдлашувчи Давлатлардан бирига университет, коллеж, мактаб ёки бошқа ўқув юртларида таълим бериш ёки тадқиқот ўтказиш мақсадида икки йилдан ошмайдиган даврга вақтинча ташриф буюрган ҳамда ташрифга қадар бевосита бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиб турган ёки бўлган профессор ёки ўқитувчи биринчи эслатиб ўтилган Давлатда шундай ўқитиш ёки тадқиқот ўтказишга нисбатан берилadиган тақдирлаш ҳақлари солиқдан озод этилади.

### **21-модда** **Талабалар**

Аҳдлашувчи Давлатлардан бирига келгунга қадар бевосита бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланган ва биринчи эслатилган Аҳдлашувчи Давлатда

фақат ўқиш ёки маълумот олиш мақсадида яшаб турган талаба ёки амалиётчининг яшаши, ўқиши ва маълумот олиши учун оладиган тўловлари, бундай тўловларнинг ана шу Давлат ҳудудидан ташқаридаги манбалардан пайдо бўлганлиги шарти билан шу Давлатда солиққа тортилмади.

#### **22-модда**

#### **Бошқа даромадлар**

1. Аҳдлашувчи Давлат резидентининг ушбу Конвенциянинг олдинги моддаларида айтилмаган даромад турлари, даромаднинг қаерда пайдо бўлишидан қатъи назар, фақат шу Давлатда солиққа тортилади.

2. 6-модданинг 2-бандида кўрсатилган кўчмас мулкдан олинган даромаддан ташқари, даромадларга нисбатан, агарда бундай даромад эгаси Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўла туриб, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали ўз фаолиятини амалга оширса ёки у ерда жойлашган доимий база орқали мустақил шахсий хизматларни амалга оширса ва даромад тўланадиган ҳуқуқ ёки мулк ҳақиқатан ҳам бундай доимий муассаса ёки база билан боғланган бўлса, 1-бандининг қоидалари қўлланмайди. Бундай ҳолда, даромад турлари ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда унинг ўз қонунларига мувофиқ солиққа тортилади.

### **IV боб. Сармоянинг солиққа тортилиши**

#### **23-модда**

#### **Сармоя**

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резидентига тегишли бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган, 6-моддада кўрсатилган кўчмас мулк тарзидаги сармоя ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Аҳдлашувчи Давлатлардан бири корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассасаси тижорат мулкнинг бир қисмини ташкил этувчи кўчар мулк сифатидаги ёхуд мустақил шахсий хизматларни бажариш мақсадида Аҳдлашувчи Давлатлардан бири резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда фойдаланадиган доимий базага тааллуқли кўчар мулк сифатидаги сармояси ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Халқаро юк ташишларда фойдаланадиган денгиз ва ҳаво кемалари тарзидаги ҳамда шундай денгиз ва ҳаво кемаларидан фойдаланишга тааллуқли кўчар мулкдан иборат сармоя фақат шу корхона жойлашган Давлатда солиққа тортилади.

4. Аҳдлашувчи Давлат резиденти сармоясининг бошқа барча элементлари фақат шу Давлатда солиққа тортилади.

### **V боб. Иккиёқлама солиққа тортишни бартараф қилиш усуллари**

#### **24-модда**

#### **Иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш**

1. Иккиёқлама солиққа тортиш ушбу модданинг қуйидаги бандларига мувофиқ бартараф қилинади, деб келишиб олинди.

2. Италияга нисбатан:

Агар Италия резиденти Ўзбекистонда солиққа тортиладиган даромад турларига

эга бўлса, унда Италия ушбу Конвенциянинг 2-моддасида кўрсатилган даромадга нисбатан солиқни белгилашда, бундай ҳолат ушбу Конвенциянинг муайян қоидаларида алоҳида назарда тутилмаган бўлса, бундай солиқлар ундириладиган базага қараб унга даромадларнинг юқорида кўрсатилган турларини киритиши мумкин.

Бундай ҳолда, Италия шу тарзда ҳисобланган солиқлардан Ўзбекистонда тўланган даромад солиғини чегириб ташлайди, бироқ бундай чегирма юқорида эслатилган Италия солиғининг ушбу қисмидан ортиқ бўлмаслиги керак ва бундай даромад турлари умумий даромадга тегишли бўлади.

Бироқ, агар даромад тури юқорида кўрсатилган даромаддан уни олувчининг талабига кўра, Италия қонунларига мувофиқ солиқ бутунлай ундирилиши лозим бўладиган бўлса, бундай чегирмага йўл қўйилмайди.

### 3. Ўзбекистонга нисбатан:

Агар Ўзбекистон резиденти ушбу Конвенцияга мувофиқ Италияда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад олса ёки сармоёга эгалик қилса, бундай ҳолда Италияда тўланган ана шундай даромад ёки сармоядан олинadиган солиқ миқдори шундай шахс томонидан Ўзбекистонда тўланган солиқдан чегириб ташланади. Бироқ, ана шундай даромад ёки сармоёга бундай чегириш ушбу модда қоидаларига дахлсиз бўлган Ўзбекистон қонунлари ва йўриқларига мувофиқ ҳисобланган солиқ миқдоридан ошмаслиги керак.

## **VI боб. Махсус қоидалар**

### **25-модда**

#### **Дискриминация қилмаслик**

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг фуқаролари бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ушбу бошқа Давлат фуқароларига айна бир хил шароитларда солинадиган ёки солиниши мумкин бўлганидан бошқача ёки ортиқроқ хар қандай солиққа тортишларга ёки унга алоқадор мажбуриятларга, солиққа тортишдан кўра мушкулроқ ёки унга алоқадор мажбуриятларга дучор қилинмайдилар. Бу қоида, шунингдек, 1-модда қоидаларидан қатъи назар, бир ёки иккала Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентлари бўлмаган жисмоний шахсларга нисбатан ҳам қўлланади.

2. Аҳдлашувчи Давлатлардан бири корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассасасини солиққа тортиш ана шу бошқа Давлатда ушбу бошқа Давлатнинг айнан шундай фаолиятни амалга оширувчи корхоналарини солиққа тортишдан кўра ёмонроқ бўлмайди. Ушбу қоида Аҳдлашувчи Давлатлардан бирини бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига солиққа тортиш мақсадларида ўз резидентларига уларнинг фуқаролик мавқеи ёки оилавий мажбурияти ҳисобига берадиган хар қандай шахсий пул ёрдами, чегирмалар ёки солиқ имтиёзлари беришга мажбурловчи тарзда талқин қилинмаслиги керак.

3. 9-модданинг 1-банди, 11-модданинг 7-банди ёки 12-модданинг 6-банди қоидалари қўлланганидан ташқари ҳолларда, Аҳдлашувчи Давлатлардан бири корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўлайдиган фоизлари, роялтилари ва бошқа қарз тўловлари, бундай корхонанинг солиққа тортиладиган фойдасини аниқлаш мақсадида бундай тўловлар биринчи эслатилган Давлат резидентига тўланган бўлганда қўлланadиган шундай шартлар асосида чегириб ташланади. Шунга ўхшаш тарзда, бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти олдидаги хар қандай қарзлари ушбу корхонанинг солиққа тортиладиган сармоясини аниқлаш мақсадида биринчи эслатилган Давлат резиденти олдидаги қарзларга доир шартлар асосида чегирилиши лозим бўлади.

4. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг корхоналари сармояси тўлиқ ёки қисман бошқа Аҳдлашувчи Давлатга тегишли бўлган, ёки шу Давлатнинг бир ёки бир неча резидентлари томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинаётган бўлса, биринчи эслатилган Давлатнинг шундай корхоналарига солинадиган ёки солиниши мумкин бўлган ҳар қандай солиқ солиш ёки унга алоқадор ҳолатлар, бошқа ёки солиқ солишдан кўра мушкулроқ ҳолатларга дучор қилинмайди.

5. Ушбу модда қоидалари, 2-модда қоидаларига қарамай, турли хил ва таърифдаги солиқларга нисбатан қўлланади.

6. Бироқ ушбу модданинг бундан олдинги бандларида эслатилган қоидалар солиқларни тўлашдан бош тортишни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш учун ички қоидаларнинг қўллаштини чекламайди.

#### **26-модда**

##### **Ўзаро келишув тартиблари**

1. Агар шахс Аҳдлашувчи Давлатлардан бири ёки ҳар иккаласининг ҳаракати унга ушбу Конвенция қоидаларига мувофиқ келмайдиган солиққа тортишга олиб келади ёки олиб келиши мумкин деб ҳисобласа, у ушбу Давлатларнинг ички қонунларида назарда тутилган химоя воситаларидан қатъи назар, ўз аризасини ўзи резидент бўлган Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли идорасига ёки агарда унинг ҳолати Конвенциянинг 25-модда 1-бандига мувофиқ келса, ўзи фуқароси бўлган Аҳдлашувчи Давлатга тақдим этиши мумкин. Бу ариза ушбу Конвенция қоидаларига номувофиқ солиққа тортилишига олиб келувчи хатти-ҳаракатлар тўғрисида биринчи бор эслатилган вақтдан бошлаб икки йил мобайнида берилиши керак.

2. Ваколатли идора унинг аризасини асосли деб топса ва унинг ўзи қониқтирадиган қарорга кела олмаса, масалани ушбу Конвенцияга номувофиқ солиққа тортишдан қочиш мақсадларида бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли идораси билан ўзаро келишиб ҳал этишга ҳаракат қилади.

3. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли идоралари ушбу Конвенцияни талқин қилиш ёки қўллашда юзага келадиган ҳар қандай қийинчилик ва иккиланишларни ўзаро келишув асосида ҳал этишга ҳаракат қиладилар.

4. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли идоралари олдинги бандлар маъноларини тушунишида ҳамфикрликка эришиш мақсадида бир-бирлари билан бевосита алоқада бўлиб туришлари мумкин. Агар келишувга эришиш учун озгаки фикр алмашуви мақсадга мувофиқ деб ҳисобланса, унда бундай фикр алмашув Аҳдлашувчи Давлатлар ваколатли идоралари вакилларида иборат Комиссияда бўлиб ўтиши мумкин.

#### **27-модда**

##### **Ахборот алмашиш**

1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли идоралари ушбу Конвенция қоидаларини ёки Аҳдлашувчи Давлатларнинг ушбу Конвенция татбиқ этиладиган солиқларга тегишли ички қонунларини қўллаш учун ушбу қонунлардан мазкур Конвенцияга зид тушмайдиган даражада фойдаланиш, шунингдек солиқларни тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш мақсадида зарур ахборотларни алмашиб турадилар. Ахборот алмашиш 1-модда билан чекланмайди. Аҳдлашувчи Давлат олаётган ҳар қандай ахборот, ушбу Давлатнинг ички қонунларига мувофиқ олинган маълумот каби махфий ҳисобланади, ҳамда фақат аниқлаш, ёки ундириш, мажбурий ундириш ёки суд орқали таъкиб этиш билан боғлиқ ёки ушбу Конвенция қўлланилади-

ган солиқларга нисбатан апелляцияларни кўриб чиқиш билан боғлиқ шахслар ёки идораларгагина (жумладан, судлар ва маъмурий идораларга ҳам) очилади. Бундай шахслар ёки идоралар бу ахборотдан фақат шундай мақсадларда фойдаланадилар. Улар ахборотни очик суд мажлисларида ёки юридик қарорлар қабул қилиш чоғида очишлари мумкин.

2. Ҳеч қандай ҳолатда ҳам ушбу модданинг 1-банди қоидалари Аҳдлашувчи Давлатлар зиммасига қўйидаги мажбуриятларни юқловчи қоидалар сифатида талқин қилинмайди:

(а) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлатлар қонунлари ёки маъмурий амалиётига зид маъмурий чоралар ўтказиш;

(б) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлат қонунларига кўра ёки одатдаги маъмурий амалиётга мувофиқ олиниши мумкин бўлмаган ахборотни тақдим этиш;

(с) савдо, саноат, тижорат ёки касб сири ёки савдо жараёнини ошкор қиладиган ахборотни ёки давлат сиёсати (жамоат тартиби)га зид келувчи ахборотни тақдим этиш.

### **28-модда**

#### **Дипломатик ваколатхоналар ходимлари ва консуллик муассасалари хизматчилари**

Ушбу Конвенциянинг ҳеч бир қоидаси дипломатик ваколатхоналар ходимлари ва консуллик муассасалари ходимларининг халқаро ҳуқуқнинг умумий меъёрларига ёки махсус битимларнинг қоидаларига мувофиқ белгилаб қўйилган солиқ имтиёзларига дахл қилмайди.

### **29-модда**

#### **Солиқларнинг қайтарилиши**

1. Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган манбадан ундириладиган солиқлар, агар юқорида кўрсатилган солиқларни ундириш ҳуқуқи ушбу Конвенциянинг қоидаларига зид бўлса, солиқ тўловчининг талабига кўра қайтарилади.

2. Солиқларни қайтариши лозим бўлган ўша Давлатнинг қонунчилигида белгиланган муддатлар мобайнида берилиши лозим бўлган солиқларнинг қайтарилиши ҳақидаги талабнома ушбу Конвенцияда назарда тутилган имтиёзларнинг қўллаш ҳуқуқига эга бўлиш талаб қилинадиган шарт-шароитларнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган, солиқ тўловчи резиденти бўлган ўша Давлатнинг расмий гувоҳнома-си асосида тақдим этилиши лозим.

3. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли идоралари ушбу моддани қўллаш усулини ўзаро келишувга биноан ушбу Конвенциянинг 26-моддаси қоидаларига мувофиқ белгилаши лозим.

## **VII боб. Яқуний қоидалар**

### **30-модда**

#### **Кучга кириши**

1. Ушбу Конвенция ратификация қилиниши лозим ва ратификация ёрлиқлари билан алмашиш мумкин қадар аввалроқ бўлиб ўтиши лозим.

2. Конвенция ратификация ёрлиқларини алмашиш санасида кучга кириши ва унинг қоидалари қўйидаги тарзда амал қилади:

а) Конвенция кучга кирадиган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан ёки биринчи январдан кейин олинган даромад манбаидан ундириладиган солиқларга нисбатан;

б) Ушбу Конвенция кучга кирадиган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан ёки биринчи январидан кейин бошланадиган ҳар қандай солиққа тортиладиган давр мобайнида тўланиши лозим бўлган даромад солиқларига ёки сармоядан олинладиган бошқа солиқларга нисбатан.

### **31-модда**

#### **Амал қилишини тўхтатиш**

Ушбу Конвенция Аҳдлашувчи Давлатлардан бири унинг амал қилишини тўхтатгунигача ўз кучини сақлаб қолади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат Конвенциянинг амал қилишини дипломатик йўллар орқали амал қилишни тўхтатиш тўғрисида Конвенция кучга кирган кундан бошлаб беш йил ўтганидан кейин ҳар қандай тақвимий йилнинг тугашига камида олти ой қолгунигача хабарнома юбориш билан тўхтатиши мумкин. Бундай ҳолда, Конвенциянинг амал қилиши қўйидаги тарзда тўхтатилади:

(а) билдиришнома берилган йилдан кейин бевосита бошланадиган тақвимий йилда биринчи январдан бошлаб олинладиган даромаддан манбада ундириладиган солиқларга нисбатан;

(б) билдиришнома берилган йилдан кейин бевосита бошланадиган тақвимий йилнинг биринчи январидан ёки биринчи январдан кейин бошланадиган ҳар қандай солиққа тортиладиган йил учун даромад солиқлари ва сармоядан ундириладиган бошқа солиқларга нисбатан.

Рим шаҳрида 2000 йил 21 ноябрда икки нусхада ҳар бири ўзбек, итальян ва инглиз тилларида тузилди, барча матнлар бир хил кучга эга. Қандайдир келишмовчиликлар юзага келган ҳолда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

*(имзолар)*



**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Италия  
Республикаси Ҳукумати ўртасида иккиёқлама солиққа  
тортишнинг олдини олиш ҳамда даромад ва сармоя  
солиқларни тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш  
тўғрисида Конвенцияга  
ҚЎШИМЧА БАЁННОМА**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил  
15 декабрдаги 179–II-сонли\* қарори билан ратификация қилинган*

*(2004 йил 26 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Италия Республикаси Ҳукумати ўртасида иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳамда даромад ва сармоя солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш тўғрисида Конвенциянинг бутун яқунланган имзоланишида қуйида имзо чекувчилар Конвенциянинг ажралмас қисми бўлиб қоладиган қуйидаги қоидалар юзасидан битимга келишдилар.

**Қуйидагилар бўйича бир-бирини тушунишга эришилди:**

1. 2-модда 3-банди (b) кичик банди бўйича Италияга нисбатан келгусида шу нарса назарда тутиладики, ушбу Конвенция сармоя солиғига нисбатан қўлланади ва иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги Конвенциянинг 24-моддаси қоидаларига кўра эришилади.

2. «Маҳаллий ҳокимият идора(лари)» атамаси, Конвенциянинг қаерида қўлланишидан қатъи назар, Италияга нисбатан сиёсий ва маъмурий бўлинмалар тушунчасини англатади.

